



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 14-aprel №16 (4415)

## САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Яхши ниятдан нафақат кўнгиллар, йўллар ҳам ёришади. Эзгу ният билан бошланган ишнинг файзу баракаси ҳам улғурди. Кўни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар, корхоналар фаолияти билан танишиш мақсадида Чилонзор туманига ташриф буюрди. Бизнинг Чилонзор туманига ташриф буюрди. Бизнинг Чилонзор туманига ташриф буюрди. Бизнинг Чилонзор туманига ташриф буюрди.

### Муносабат

бирлар маҳалла ёшларини зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу маънода Президентимизнинг фуқаролар йиғинларига ташрифи, халқ билан самимий мулоқоти юртдошларимизнинг истижобига ишончини янада оширди. Биз Чилонзор буюм бозорига яқин жойда яшаймиз. Бозор худуди жуда катта бўлгани боис, автотранспорт тирбандлиги доим ноқулайлик туғдирарди. Энди биналар ёнида автомобиллар учун уч ва тўрт қаватли автотураржойлар қурилиши ҳақидаги янгиликни эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Демак, йўллар, манзиллардаги тирбандликнинг олди олинди, ҳайдовчилар, пиддалар хавфсизлиги таъминланади. Қолаверса, лойиҳада туманининг ички йўлларидаги муаммолар ҳам бартараф этилиши кўзда тутилган. Зеро, йўлларни обод ва раван қилиш энг савобли ишлардандир.

Кўркам биналар, чиройли кўчалар, боғ-роғлар билан гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган юртимиз файзига файз қўшилмоқда. Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор: "Юртни обод қиламан деган кишининг ўзи обод бўлади", деб бежиз таъкидламаган. Демак, ҳар биримиз шу юртнинг фуқароси, фарзанди сифатида, қайси касб эгаси бўлмайлик, ана шу ободликка ва кўркамликка ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Дилором СУЛТОНОВА,  
коллекция ўқитувчиси

## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

### Тирик сатрлар

Константин СИМОНОВ

МЕНИ  
КУТТИЛ

Ҳамид Олимжон таржимаси

Мени куттил ва мен қайтарман,  
Фақат куттил, жуда интизор,  
Куттил, ёмғир зериктирганда,  
Мени куттил, ёққанда қор,  
Атрофингни ҳарорат қоплаб,  
Еру кўкни чанг тутганда, кут.  
Бошқаларни узатган дўстлар  
Кечагина унутганда, кут.  
Хат келмасдан узоқ ерлардан,  
Юрагингни қилганида қон,  
Куттил, сен-ла бирга кутганлар  
Зериккандан чекканда фиғон.

Мени куттил ва мен қайтарман,  
Бўлса ҳамки рангинг заъфарон,  
Ёринг қайтмас, умидингни уз,  
Деганларга тилама омон.  
Майли, ўлим, синглим, волидам  
Аза очсин мен йўқ туфайли.  
Кутабериб сабри тутаган  
Ёру дўстлар, ошнолар, майли,  
Айрилиққа беролмасдан тоб,  
Аччиқ-аччиқ ичсинлар шароб.  
Кўзларингга тўлса ҳамки ёш,  
Фақат сен кут ва айла бардош.

Мени куттил ва мен қайтарман,  
Ўлимларни қолдириб доғда.  
Иши ўнгдан кепти десинлар  
Кутмаганлар мени у чоғда.  
Ёт туюлар кутмаганларга,  
Бундай ажиб толеинг санинг.  
Кута-кута мени офатдан  
Омон сақлаб қолаолганинг.  
Қандай омон қолганлигини,  
Ёлғиз сенга айтарман, сирдош,  
Кутаолдинг мени сен фақат,  
Буюк эди сендаги бардош.



## ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР ЁДИ

Энг муқаддас ва табаррук сана — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 72 йиллиги нишонлини муносабати билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларини улуглаш, қадрлашнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Урушдан олдин Ўзбекистоннинг аҳолиси 6,5 миллионга яқин бўлса, улардан 1,5 миллиони жангларда иштирок этгани, 500 мингга яқин юртдошимиз урушда ҳалок бўлгани, қолаверса, шундай машаққатли даврда 1,5 миллиондан ортиқ турли миллат ва этник қавмларига юртимизда бағрикенглик билан бошлана берилганининг ўзидек халқимизнинг фашизм балосига қарши курашга нақадар улкан ҳисса қўшганини англайди. Нафақат фронтнинг олдинги сафларида, балки фронт ортида ҳам юртдошларимиз кўрсатган жасорат мангу ибрат намунасиридир.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган биринчи кун — 1941 йилнинг 22 июнидаёқ устоз Ойбекнинг "Ерга ўлим" шеъри ёзилган ва орадан икки кун ўтгач, матбуотда эълон қилинган экан. Уруш мавзусида битилган бу илк шеърда шоирнинг ғалабага бўлган ишончи, Ватанга меҳр-муҳаббати, душманга газаби, урушга нафрати ёрқин акс этган.

Шунингдек, бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан жангга отланган Султон Жўра, Амин Умарий, Зафар Дийёр, Назармат, Матқўб Қўшонов, Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Мавлон Икром, Одил Ёқубов сингари кўпбал адабларимиз уруш даҳшатларига бевосита гувоҳ бўлиб, бетақрор асарлар yaratишди.

Уруш йилларида ёзилган Фафур Ғулмоннинг "Сен етим эмассан", "Соғиниш", Ҳамид Олимжоннинг "Кўлингга қурол ол!", "Жангчи Турсун", Зулфиянинг "Ўғлим, сира бўлмайди уруш", Миртемирнинг "Тўйчи Эрийгит ўғли", "Қора кўзли" сингари асарлари адабимизнинг дурдоналарига айланиб, миллион-миллион қалбларга малҳам бўлди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, жанггоҳларни, вайрон бўлган шаҳар-қишлоқларни ўз кўзи билан кўрган, ғалабанинг машаққатли йўлини бошдан кечирган халқимизнинг атоқли адиби Шухратнинг «Шинелли йиллар» романи ҳам фидойи ватандошларимизга бағишланган. Эътиборингизга мазкур асардан парча тақдим этилмоқдаки, у машъум урушнинг даҳшатли оқибатлари, умуман, уруш фожиаси ҳақидаги асарлар бугунги авлод учун фойдадан холи эмас. Ҳар биримиз озод ва обод юртимизда ҳукм сураётган бебаҳо неъмат — тинчлик, барқарорликнинг қадрига етайлик, она диёримиз раванқа, фарзандларимиз фазлу камоли йўлида олиб борилаётган эзгу ва улғувор мақсадлар йўлида ҳаммиса уйғоқ ва огоҳ бўлайлик, азиз ватандошлар!

→ 3 Назм ва наср бўлими

## ЯХШИ НИЯТЛИ ОДАМЛАР

Кўнгириков билан Бешчашма қирликлари орасида чучук сувли қудуқлар кўп. Шу сув билан зироатчилик қилаётганлар обихаднинг пасослар ёрдамида тортиб чиқаришади. Эски Анхорнинг шарқий елкасидаги Тошли қишлоғи артезиан фавворалари ўрқач-ўрқач нефт қудуқларига бой. Шу тарафларга йўлимиз тушган кўни Бобойёр чавандоз Эшимовнинг ўғли Фафур полвон Наврўз сайли қилиб кўпқари бераётган экан.

### Рейхстагдаги жасорат

Қадим Насаф ёнбошидаги "Афросиёб" поезди айланаб ўтадиган Байтерак қишлоғига борганда шу ҳақда эшитдигу Акрам Хўжайёров хонадонидан дошқозонларга ундирилган бугдой шарбати солиб, сумалак пиширатган онахонлардан дуо олиб, Келдиёр ака билан Тошли тумон йўли олдиқ. Фафур полвон билан Келдиёр аканинг оталари туғишган оғани бўлишган, байрамларда бир-бирини кутлаш, ҳол-аҳвол сўраш элимизнинг бебаҳо қадриятларидан эмасми, бирорва бўлса ҳам айём билан табриклар, кўпқаридан завқ

олиб қайтишни ният қилдик.

Дастурхонларни кўк сомсаю анвойи ширинликлар, турфа неъматлар билан тўлдириб элга ош берган Фафур полвон энди катта кўпқарини шулоғини авж олдираётган экан. Косону Муборак, Касбию Қамаш, Чирок-

### Она юртим — олтин бешигим

чию Оқтепадан етиб келган тўрт юзга яқин чавандоз кенг сайхонликда "чигалёзди" қилиб аргумоқларини елдириб юришибди. Фафур полвон кўпқарини отаси Бобойёр чавандоз хотирасига бағишлаганини эшитиб, қир тўшидаги яланглиқда бизнинг суҳбатимиз ҳам авжга чиқди. "Отамиз

Иккинчи жаҳон урушида Рейхстаккача бориб қайтган уста мерганлардан эди, — дейди у. — 2012 йили юз ёшга кириб оламдан ўтди... Балки эшитган чикарсиз, шу атрофдаги олти колхозда фақат отамнинг оти чопган. Зарур бўлганда тулпори куйи энгашиб, эгасини гўч тўда ичидан ҳам олиб чиқиб кетаркан. Отининг чопқирлиги, ўзининг абжирлиги билан бир тўйда йиғирма беш марта улоқ айирган. Уйга қайтганда ҳасаддан ичи куйганлар қамчисидан оти ва ўзининг ҳаммаёғи кўкариб кетган бўларди. Ойгул онамиз ҳам отамни даволар, ҳам тулпориға меҳр билан қарарди... Шу ўринда яна бир гапни айтишим керак — отам қаза қилиб, ўзимиз билан ўзимиз оворча бўп ётганда кимдир ирим қилиб, чопқир отнинг эгарини олиб кетган экан. Ҳозир шу эгарни қидирайلمиз. Кимлардадир деб эшитамиз. Қирқ миллион сўрапти. Майли, дедик. Отамиз отининг эгари биз учун баҳоси тенгсиз ёдгорлик!"

Давоми иккинчи саҳифада.

## ОЛАМНИ ЁРИТГАН МУҲАДДИС


Яқинда давлатимиз раҳбари Имом ал-Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази лойиҳаси билан танишар экан, унинг биналарини замонавий асосда қуриш, марказ фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан қатор амалий таклифларни билдириб, мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди. Ислоҳ оламининг буюк олими, беназир файласуф Имом ал-Бухорий жаҳон маданияти ва маънавиятига улкан ҳисса қўшган улғу ватандошимиз ва бобокалонимиз эканлигидан ҳар қанча ифтихор этсак арзийди. Оламшумул аллома томонидан тўпланган ҳадислар ҳозирга қадар энг ишончлилари ҳисобланади.

Илк Уйғониш даври маданияти мутафаккирларидан бири, Саҳиҳ йўналишининг асосчиси, ислом оламидаги энг етуқ ва машҳур муҳаддис, фақиҳ, улғу ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий фақат ўзбек халқининг эмас, балки бутун мусулмон оламининг ҳам фахридир. Илк уйғониш даврида ҳадис илмида буюк юксалиш юз берган. "Кутуби ситта" — олти энг машҳур китоби бўлган имомлар, яъни олти энг улғу муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топдилар. Имом Бухорий ўз даври илмларини, айниқса, диний илмларни ҳар томонлама ўрганган; ўн ёшигача Қуръони каримни ёд олиб, минглаб ҳадисларни барча далиллар билан хотираларида сақлаб юрган. Илмларини чуқурлаштириш ниятида юрта-юрт кезган. Ҳижоз Шарифда қирқ йилдан ошқ яшаб, Шов, Басра, Кўфа, Бағдод, Хирот, Нишопур, Машҳад, Рай, Жиболу, Хуросон, Қоҳира, Фараб, Макка ва Мадина каби бир қанча шаҳарларда бўлиб, у ердаги аллома шайхлардан, олимлардан, таниқли муҳаддислардан

### Буюк сиймолар

ҳадис ёзиб олган, "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" ва "Ал-Адаб Ал-Муфрад" каби машҳур ҳадис китобларини ёзиб тамомлаган. Бу ҳақда ўзлари бундай деб айтган: "Мен бир минг саксон уламодан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари "Имом — сўз ва амалдан иборатдир", деган эътиқоддаги кишилар эдилар", деб ёзади. Кувваи хофиза ва хотираларининг ақл бовар қилмас даражада кучлилиги жиҳатидан у кишига ўз даврида ҳеч ким тенг келолмаган. 600 минг ҳадисни ёддан билган. Ана шу жиҳатдан Имом Бухорийни Оллоҳнинг ердаги мўъжизаларидан бири, деб атаганлар. Аини замонда ўзлари ҳам кўпбал шогирдлар тайёрлаган. Сунаи йўналишининг асосчиси, машҳур муҳаддис Имом Термизийнинг ҳам устозидир. Имом Бухорий "Амир ул-мўминин" (Ҳадис илмида мўминларнинг амири), "Шайх ул-ислом" (Мусулмонлар устози), "Имом уд-дунё" (Дунёдаги барча мўмин ва мусулмонлар имоми) деган шарафли номга сазовор бўлган алломадир.

Давоми тўртинчи саҳифада.



## "ХАМСА" ВА "ЎТКАН КУНЛАР"

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида тарихий поэтиканинг муҳим бир муаммоси — бадий анъанавийлик назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилган, дея олаймиз. Бу, биринчи навбатда, роман тафаккури, эпик сюжет, эпик тасвир ва эпик образлар генезиси муаммосига тегишли. М.Бахтин "Романда замон ва хронотоп шакллари" номи тадқиқотида роман назарийсининг асосий принципларини ишлаб чиқди.

Ўз хулосаларида олим роман жанрининг муайян миллий адабиётлар доирасига кириб келиши турли маданиятлар, жонли нутқ ва адабий тиллар тўқнашуви билан боғлиқлигини таъкидласа-да, бу жараёнинг, асосан, муайян поэтик анъаналарга таяниши таъкидлади. Ҳар қандай поэтик анъананинг бош бўғинини эса миллий адабиётлар генезиси ташкил этади. Замонавий адабиётимиз тарихида роман жанри у қадар катта хронологик қамровга даъво қила олмади. Абдулла Қодирий романи ёзилган санадан бери хали юз йил ҳам ўтгани йўқ. Ҳолбуки,

### Тадқиқот, ахборот

адабиёт тарихида юз йил унчалик катта давр эмас. 2500 йилдан ортиқ даврни қамраб олган Европа романи хронологик қамрови олдида бу ўта мўъжаз ўлчов. Аммо шунинг ёдда тутиш лозим таъкидласа-да, бу жараёнинг, асосан, муайян поэтик анъаналарга таяниши таъкидлади. Ҳар қандай поэтик анъананинг бош бўғинини эса миллий адабиётлар генезиси ташкил этади. Замонавий адабиётимиз тарихида роман жанри у қадар катта хронологик қамровга даъво қила олмади. Чунки М.Бахтин томонидан "авантор", "маиший-авантор", "биографик", "рицар" романлари тар-

зида назарий тасниф этилган насрий ижод шакллари нари борса биздаги халқ китоблари, ёзма мумтоз қиссаларга тўғри келади. Бундан Европа романининг чин маънодаги ибтидоси Рабле романчилигидан бошланган эди, деган хулоса чиқариш мумкин.

"Гаргантоа ва Пантагрюэл" романининг биринчи китоби XVI асрнинг 30-йиллари (1533 йил) нашр этилганини эътиборга олсак, унинг Навоий "Ҳамса"сидан роппа-роса ярим аср кейин дунёга келгани маълум бўлади. Бироқ бу билан ўзбек ва Европа романчилигини генезис жиҳатидан қийин ўрганиш масаласини кўтармоқчи эмасмиз. Ушбу мақоладан қўзланган мақсад биринчи ўзбек романининг Навоий "Ҳамса"си билан боғланганидан айрим нуқталари хусусида тўхталиш, яъни улкан муаммонинг деббачаси хусусида сўз юритишдир.

Давоми тўртинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шу кунни бир томонда кўпқари, турфа гиёҳлар қоплаган қир бағрида эса Бобоев чавандозини яқиндан билган кексалар гурунги қизилдан қизилди. Гап айлиниб уруш йиллари воқеаларига кўчди. "Фашизм билан уруш тўрт ярим йил давом этган бўлса, отам раҳматли саккиз йилдан сўнг қишлоғимизга қайтган экан. 1938 йили ҳарбий хизматга олиниб, энди Ватанга қайтамиз деганда уруш бошланди. Отам моҳир мерган-снайпер бўлиб хизмат қилган. Ғалабада уларнинг хизмати катта бўлган. Отам давраларда айтган гурунлардан эсимда қолгани шуки, 1945 йили Рейхстакка ялов қадаш жуда қийин кечган экан. Кўзга ташланмайдиган қулайроқ жойга беркиниб олган пулемётчи тинимсиз ўқ ёғдириб байроқ қадамочик бўлганларни туттай тўкаверган. Шунда отам ажал ўқи бир кичик тирқишдан чиққатганини кўриб қолади ва ўша жойни мўлжалга олади..."

Бобоев бобо Эшимов Иккинчи жаҳон урушидан кўкси қўша-қўша орден ва медалларга тўлиб қайтган экан. Бугун оталар ёдини унутмай юрган фарзандлар эл-юрт раҳматини олиб, уларнинг руҳларини шод этаётир. Кўпқарига қимматбаҳо гилам, телевизор ва яна кўпқаб соҳиллар солинди. Аждодлардан ўтиб келаётган умрбоқий кадрларимиз кўп: узоқ-яқиндан қуллук бўлишига келганлар ҳам халқимизнинг жанговар спорт уйинларига рағбат кўрсатиб, кўпқарига ўзларининг зотларини кўйишмоқда. Хамроҳим Келдиёр Ҳўжаёровнинг ҳам илҳами келиб "Фаввора-фильм" студияси номидан зот тикди. Беллашув якунида учқур отлари билан тилга тушган интоқсойлик Илҳомбек ва Кўчар чавандозлар эллошлар дуосини олди.

Қарши кенгликларидо моҳир чавандоз сифатида танилиб, юз ёшдан ошиб яшаган Бобоев полвон Эшимовнинг ўғли Фағуржон кўп йиллар ички ишлар соҳасида фаолият олиб борган. Истеъфого чиққач, истеъфодини талбиркорлик соҳасида синиб кўрмоқда. У ўғли Аббосбек билан бирга Тошқи қирликларидо тўрт гектардан зиёд ер очиб, янгиладан боғ яратмоқда. Бу йил кўкламда илк бор шу боғга кўчат қадади. Олмао ўрик, бодомо шафтоли ниҳоллари мусофиро экинларидо япроқ ёзиб, баравж ривожланоқда.

Президентимизнинг "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинган кунларда чавандозларнинг урқо-ур ниҳоллари янграган Тошқи кенгликларидо бўлиб ўтган ана шу суҳбатни яна бир бор эста олдим. Ҳа, халқимиз хотираси муҳаддас, қадриятларимиз эса бебаҳоқир. Рейхстакка ғалаба яловини қадашда жасорат кўрсатган оталаримиз ибрати, қаҳрамонликлари ва шундай улуг оталарга муносиб бўлишга чоғланиб, дашту биёбон узра янги боғлар яратаётган комил фарзандларнинг гайрат-шижоатидан қувноммай бўладими!

Байрам қишлоғи уаумлари

Улуг айём кунлари гурунгу гурунгула улаиб, яхши ниятнинг шарофати ҳақида кўп гаплар айтилди. Орамизда пиру бадавлат оталардан ибрат олган, уларнинг эл-юрт, Ватан олдидаги хизматларидан ифтихор этган фарзандлар кўп эди. "Қарши тарихи", "Қашқадарё: истиқлол арафасида" каби кўпқаб китоблари билан шўҳрат қозонган таниқли олим Поён Равашановнинг ўғли Олимжон Қамашчи туманидаги Байрам қишлоғида бўлган кўклам сайли ҳақида сўзлаб: "Қишлоқдошларимиз узум етиштиришни санъат даражасига етказган моҳир зироатчилардир", деб қолди. Шу қишлоқда бир яхши удум бор экан: ҳар йили Наврўз байрамини ўтказиб беришни бир йилгит зиммасига оларкан. Навбатта ёзилганларнинг сон-саногини йўқ. Ҳамма яхши ниятга элга хизмат қилади, деб юрт корига елка тутайди. Қишлоқда ёши улуглар, энди уйланганлар ва уйланмаган ёш йилларнинг ҳам ўз давраси, ўзига муносиб ҳиммати бор. Кимдир Оллоҳдан фарзанд сўраб, яна кимдир соғайишни ният қилиб, йилбоши базмини қизитишга бел боғлайди. Бу йилги кўклам сайлини ўтказган Аҳрор Бозоров ҳам кўпдан бери "Худойим фарзанд берса, Наврўз сайли қилиб

эллошлар дуосини олайин", деб юрган экан. Яхши ниятнинг ижобатини қарангки, унинг орзуси ушалиб, ота бўлибди... Байрам қишлоғи ақли олиёғиримат одамлар экан: ёшлар футбол ўйнайдиган майдонлар янада обод бўлсин дейишиб, бир зумда икки миллион сўм йилгит беришибди.

Ҳақ демократик партияси вилоят бўлимига раҳбарлик қилаётган Олимжон Равашанов шу ҳақда сўзлаб: "Этганда энимда ўтирган бир йилгит ҳам бу гапга нимадир қўшмоқчи бўлаётганини сезиб, унга юзландик.

— Ҳа, яхши гап, яхши ниятга фаришталар ҳам омин дер экан! Отамиз қайси бир йили кўпқаридан туя айриб келди. "Буни нима қилайлик", деганимизда: "Яхшилаб боқавринглар, Худо насиб этса, қачон Ҳаж зиёратига борсам, худойи қиламиз, ўшанда зарур бўлади", деганди. Олти ойлик буталоқ тўрт яшар катта туяга айланганда отамнинг пок нияти ижобат бўлди. Онам иккалалари Ҳаж зиёратига боришди. Қайтишларида Жидда аэропортидан кўнғирқ қилиб, "Уелам, мана соғ-омон юртга қайтаёلمиз. Ниятимиз ҳосил бўлганга ўхшайди. Уша гап эсингларми? Сизлар боқётган туяни худойи қиламиз. Узинг бош-қош бўлганга", деб тайинлади".

Бу гап давра аҳлига маъқул келиб, пок ниятли оталаримизга олқиси айтайётганда, бу воқеани

чиққач, тadbиркорликка қўл ургани ва яна ўз ихтисосидан бўлак соҳада муваффақиятли иш олиб бораётганидан ҳайратга тушганман. "Фаввора-фильм" студиясида унинг раҳбарлигида Иккинчи жаҳон уруши йиллари юртимизга паноҳ истаб келган неча юз минглаб сарсон-саргардонларга иссиқ жой бериб, бир бурда нонини баҳам кўрган халқимизнинг тенгсиз жасоратига бағишланган "Бағрикент Тошкент" ҳамда улуг шоиримизга ҳаётлик чоғлари ёзиб олинган "Абдулла Орипов" туркумидаги фильмлари томоша қилганда бу кишига бўлган ҳурматим юз чандон ошган. Алишер Навоий, Мирзо Бобур ғазалларини, замонда шу шоирларимизнинг жуда кўп шеърларини ёлдан айтишни тинглаб, унинг алабётга, кино санъатига қизиқиши бежиз эмаслигига иқроор бўлдим. Юртбошимиз даъват этаётган китобхонлик ва мутлоа маданиятини йўлга қўйишни ўз оиласидан, фарзандлари ва набиралари тарбиясидан бошлаганини кўриб, ҳавасимиз ошди.

Яқинда Келдиёр Ҳўжаёров ижодкор дўстларини дала-ҳовлисига чорлади. Мезбон турли шаҳарларда ўқитган фарзандо набираларига "Шеър ўқиси бўйича танлов ўтказамиз, ким ёллаган шеърини ифодали, бекаму кўст айтса, мукофот олади", деган экан. Набиралар бобонинг боғига жам бўлиб, шеърхонлик бўйича маҳорат синовида

утишга тайёр бўлиб туришарди. Тўғриси, биз бундай танловни кўтмаган эдик. Беллашувни Қарши шаҳридаги 23-мактаб ўқувчиси Азизбек Ҳўжаёров бошлаб берди. Сўнг Тошкентдаги 112-мактаб ўқувчиси Севинч Келдиёрова мусобақани давом эттирди. Ҳатто элдинга беш ёшга кирган Шаҳриёр ҳам танловда қатнашиб мукофот олди. Севинч ва Ҳўжаёв Келдиёров, Бехрўз Пирматов 1-ўринни, Комрон Санжаров ва Азизбек Ҳўжаёров 2-ўринни, Доновек, Исломбек, Жасмина ва Қувончбеклар 3-ўринни забт этишди. Набираларнинг танловга қўйилган шеърдан ташқари, Навоий ва Бобур ғазалларини ҳам ёллагани эътибордан четда қолмади. Уларнинг барчаси тегишли мукофотдан ташқари замонавий шоир ва ёзувчилар дастхати битилган янги китоблар билан ҳам тақдирланди. Ҳақамлар тақлифи билан шеърхонлик ва китоб мутлоаси бўйича бундай танловлар мунтазам ўтказилаётган бўлди.

Болаларнинг секинчи кексиз, ўзларига ишончи зўр эди. Улар энди шеърини ёллаган билан ки-фолланмайдилар. Ундаги ҳар бир сўз, мушоҳада за-вқи, ифода этилган тарихий воқеалар залворни бола-ларнинг фикри ўсиши, тафаккури чарчланмишида бе-қибс аҳамият касб этиши, шўбҳасиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кўп анжуманларида халқимизга мурожаат қилиб, китобхонлик маданияти ва савиясини ошириш, бу борда фарзандларимизга ўзимиз ибрат кўрсатишимиз кераклигига доир даъватларига Келдиёр бобо бошлаган ташаббус амалий жавоблардан бири эмасми?! Шу ҳақда ўйла-ганда, элу юртимиз миллат истиқболли, ўсиб келаёт-ган авлодлар қамодоти учун жонқур, ҳиммати бал-дид ота-ларимиз, боболаримиз билан файзу барокат-ли эканидай ифтихор қўлдим.

Мурод АБДУЛЛАЕВ, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси муҳбири

ХИЁБОН ШУКУҲИ

Тошкент Оллоҳ назар солган, буюк соҳибқирон Амир Темуր бобомиз севган ва ардоқлаган шаҳарлардан биридир. У дунё харитасида гаваҳр донасидай абадул-абад нон ва нур шаҳри бўлиб порлаб туради... Ана шундай хаёллар оғушида Тошкентнинг юраги бўлган Амир Темуր хиёбонида ўтирибман. Эндиликда саксон ёшнинг олтин бўсағасига етиб келиб, дунёларни кўриб, ким элгич ким бўлиб деб, ўтмиш ҳаётимиз, бутунги осуда ва бахтли турмушимиз, ёрқин келажакимиз ҳақида хаёл сураман. Амир Темуր бобомиз ҳайкалига боқиб, миллий гурур ва ифтихор туйғуларига гарқ бўламан. Мустақил шўролар замони кулаб, мустақил Ўзбекистон бағрига етиб келиш йўллари мисли кўрилмаган кўриликлар, хавф-хатарларга тўла бўлди.

Амир Темури хиёбонида ўтириб ба-ҳоқир ўзбек халқи, оламшумул Тошкент шаҳри ва мардона тошкентликлар ҳақида ўйлайман. Чунки меннинг ҳаётим улуг бобомиз Амир Темури хиёбони билан боғлиқ бўлган. Эндиликда Амир Темури хиёбони мен ва оилам учун бахт хиёбони бўлганидан шукронага тўлиб ўтирибман. Афсуски, шўролар замонида ўтган бизнинг ёшлигимиз гариб, оч-юпун эди. Мунтазам чорасизлик ва то-беликда, етар-етмасликда кечган та-лабалик йиллари кўз олдимга келади. Амир Темури хиёбонида ўтириб, шу хиёбонда сайр қилган, ўзбек тили ва адабиёти даргалари бўлган буюк аждодларимиз иходи ҳақида суҳбатлар қўрган курсдошларимиз: Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов, ажойиб адиб ва олимлар Талъат Солихов, Анвар Каримов, Раҳматилла Иноғомов, Зебо Салимова, Мамлакат Ҳошимова, иқтидорли журналистлар Матлуба Ис-ломова, Тамилла Қосимова, меҳрибон педагог Нурхон Йўлдошева, шоир Анвар Исроилови ёдга оламан.

Биз ёшлар Иккинчи жаҳон уруши ваҳималарини ўз қулгоғимиз билан ашитган, бир парча нон, хушбўй ҳидли қулчани тушимизда кўрайдиган болалар бўлганмиз. Устозларимиз ҳам юпунги-на хаёт кечирардик. Шунга қарамай, тани-жонимизда, табиатимизда аждодларимизга хос гўзаллик — жаҳон, Урта Осиё давлатлари тарихини, ўзбек тили ва адабиёти тарихини ўрганишга иштиёқ барқ урардик. Жаҳон адабиёти, поэтик маҳорат, поэзия назарияси, қадимги қўлемалар тилсимни, ўзбек халқи яратган фольклор дунёсини ҳу-қур ўрганишга махлиё эдик. Оғир ва ру-тубатли кунларга, "коммунизм шарпа-ни" кезиб юрган пуч ёғли замон бўли-шига қарамай, юрагимизда аждодла-римиз яратган олтин меросни ўзлаш-тириш ишқи ёниб турардик. Шу боис-дан ярим тунгача Амир Темури хиёбони-га бир қадам бўлган эски САГУнинг фундамента кутубхонасида мутлоа билан банд бўлардик. Бу кутубхона ўша замондаги "Новая", ҳозирги Хоризм кўчасидаги Радио уйи қаршисида жой-лашганди.

Амир Темури хиёбонида ўтириб, Тошкент шаҳри тарихи ҳақида, унинг юраги бўлган Амир Темури хиёбони тарихи ҳақида ўйлаб кетаман. Дар-воқе, ҳануз гўзал Тошкент шаҳри та-рихи тўла, мукамал ёритилган эмас. Унинг ҳар бир қарич ери кўзларга тўтиё, ҳар бир кўлтурму суви дилларга шифодир. Амир Темури хиёбони кунчи-қаридаги Олой бозорининг ҳам минг йиллик тарихи бор. Унда Тошкентнинг Минг ўрик, Олмазор, Гулистон, Ҳасанбой, Паркент, Хумсон, Қишраб боғларидан терилган сон-саноксиз, ширин-шакар мевалар олиб келинарди; пода-пода қўйлар Тош-кент атрофидаги қишлоқлардан Олой бозорига ҳайдаб келтириларди. Манба-ларда Олой бозорини Қўй бозори деб ҳам ёзишади. Чор Россияси Урта Оси-ёни босиб олган, бозорлардаги сав-до-сотик жараёни ўзгартиб борган. Мустақиллик замонида беадад шук-роналар бўлисинки, бугунги Олой бо-зори жаҳон айвонига энг фаровон, юксак савдо маданиятига эга замона-вий обод бозорга айланди. Ҳарбий тарихчи Л.Костенко ўз ки-тобларида Тошкент ҳақида ҳайратла-ниб ёзган. Тошкент шаҳрининг Шай-хонтоҳур бобомиз мадрасаси жойлаш-ган мавзеси, Умаршайх ҳазратлари мақбараси жойлашган Хумсон қишло-

қини ўрганган. Унинг ёзишича, бу ер-лар жаннатмакон бўлган. Дарахтларда ёнғоқ, pista, бодом пишиб, ерга па-лосдай тўкилиб ётган. Уни ҳеч ким те-риб, қопларга солиб олмайди. Урик ан-жир, чилонжикдалар, тут дарахти ме-валари ўз шохларида майизга айла-ниб қолган, деб тасвирлайди Л.Кос-тенко. Тошкентликлар қўй-қўзилари-нинг сонини билишмайди. Уларнинг ҳовлиси, хоналари доимо очик тура-ди. Тошкент халқи қулф-қалит ним-лигини билмайди, деб ёзган у. Ҳа, тош-кентликлар ана шундай Оллоҳ суйиб-суйиб яратган халқи очик, кўнгли очик, тинчликсевар бўлиб қолган. Амир Темури хиёбонида ўтириб, Тош-кентнинг юраги бўлган ушбу хиёбон тарихини ўйлаб, ғам-андуҳга ботаман. Эҳ, ёш эллар-нинг "дохий"лариға сажда этиб ўтган безабон, беозор, маъсум ёшли-гим деб, бугунги бахтиёр ёшларга ҳавас билан боқаман. Ёшлигимизни нега безабон дедим? Чунки биз катагон йилларидо туринган ёшлар эдик. Шўролар даврига қарши курашган, ҳатто ёзилган битта сўз, бит-та харф учун отиб ташланган, Сибирга сургун қилинган улуг зотларни ўз кўзи-миз билан кўрганмиз, ахир! Шу боис-дан филолог — сўз санъати соҳибла-ри бўлишимизга қарамай, тилимизни тийиб яшаганмиз. Нима учун ёшлигимизни беозор, маъсум дедим. Чунки кўзларимиз ҳали мустақил шўролар даври кўригилка-рини кўрмаган, қулқорқилимиз ҳали пахта далаларида хонавайрон бўлган оналар ва болалар фарёдини ашитма-ган, "ўзбеклар иши" деб аталмиш сох-та айбловлар қўрбонлари бўлган ота-

ҚўШНИНИНГ ҲАҚИ

Халқимиз азалдан қўни-қўшничилик ағъаналарини қадрлаб келган. Бир ма-ҳаллада яшаб, бир-бирига елкадош бўлган қўшнилик бора-бора ўзаро қадр-донга айландилар. Мабодо, яшаш ман-зили ўзгарганда ҳам бир-бирини кўмсай-ди, меҳр ришталарни узилиб кетмасли-гига қараётган эди.

Қўшничилик одоби ва одатлариға риоға қилгани боис элимиз орасида "Ўзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал", "Ҳовли олма, қўшни ол", деган қимматлар пайдо бўлган. Ҳатто таомла ҳам қўшнининг ҳақи бўлади, деган ақидага азал-азалдан амал қилинади. Зеро, муборак ҳадиси шарифда: «Шўрва қилсангиз, сувидан кўпроқ солиб қўшнингизга ҳам улашинг», дейилган. Ҳақиқатан ҳам, таом ҳиди қўшничи-гига чикдими, унинг насибасини ҳам аж-ратиб қўйиш олати эзгу ағъаналаримиз сираси-га киралади.

Агар қўшни сафарга кетса, оиласи-дан хабар олиб турилади, уй-жойи, мул-ки, хонадон аҳли ҳимоя қилинади. Қўшни руҳсат бермаса, ҳамсоя имора-тини униқидан баланд қилиб қурмайди ёки бошқа йўсида унга зарар етказмай-ди. Қўшнининг фарзанди хараша қил-маслиги учун болаларнинг қўлиға бирор нарса бериб, кўчага чиқарилмайди. Қўшнининг ҳовлисига қаралмайди, изн-си кирилмайди. Бир одам вафот этсао унинг уч қўшниси баравар ундан рози бўлишиа, у одамнинг гуноҳлари кечи-рилади.

Расулulloҳ айтадилар: биласизми, қўшнининг ҳақи нима? Ёрдам сўраса, қўни берасиз. Қарз сўраса, қарз бера-сиз. Муҳтож бўлса, рўзғорига ёрдам қиласиз. Хастандас, зиёратига борасиз. Вафот этса, жанозасида қатнашасиз.

Омад қилиб боқса, қўшнинингизни қўл-ланг. Бошига мусибат тушса, таъзияси-да бирига бўлинг. Ҳатто бирон мева олган пайтингизда унга ҳам беринг. Агар бер-моқчи бўлмасангиз, уйга олиб келганин-гизни кўрмасан. Қозонингизда қайнат-

ган эт ҳиди билан уларни нотинч қил-манг. Агар келтирган этингиздан бир пар-часини унга кесиб берган бўлсангиз, эт ҳиди таралишининг айби йўқ.

Замонлар оша сайқалланиб келаётган гўзал қадрият ва урф-одатларимиздан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Лекин, афсуски, бугун бу ағъаналарға биров бе-парво қараётган қўшнилар ҳам учраб ту-рибди. Можаролар, одагта, кўпроқ қўни-қўшниларнинг ёш болалари ўртасида солир бўлади. Шундай пайтда болалар-нинг ўртасига тушиб, катталар айбони бир-бирларига ағдаравермасдан, ҳар ким ўз фарзандига танбех бериб, одобага қа-қриб борсалар, айна савоб иш қилган бўладилар.

Нуроний отахонларимиз яхши эсла-шади, авваллари ҳовлиларда, кўча дар-возасидан ташқари, қўшниларни боғлов-чи даричалар бўларди. Буни «оқибат даричаси», «меҳр даричаси» десак,

Меҳр даричаси

адашмаймиз. Тандирида ёпилган икки дона иссиқ нон, бир коса оқват билан қўшнилар ўша дарича орқали бир-бири-ни йўқлаб туришган. Қолаверса, дарича вақти бемаҳал қўшига кўмак бериш, унинг ҳолидан тез хабар олиш имкони-ни ҳам тудириган...

Эзгу қадриятлар қадр топган юрти-миз кундан-кунга обод бўлиб бормоқ-да. Буни маҳалларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Тўй-ҳашаматлар, айё-му байрамларга, ҳашарларга қўни-қўшниларнинг баҳамжиҳатлиги ўзгача фазл бағишлайди. Ахир аҳил-иноқлик, ўзаро ҳамкорлик, самимий мулоқоти муносабат доимо хайрли ишларнинг дебчаси саналган. Шундай экан, қўни-қўшнилар олдидаги фарзимиз ва бур-чимизни доимо ёдла сақлайлик. Кўзбай қўшнимизга кўнгил даричаси орқали меҳр-оқибат кўрсатиб туришни қанда қилмайлик.

Раҳматуллоҳ САЙФУДИНОВ, Тошкентдаги «Мирза Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби

ҲАЁТ ВА ИЖОД

Қўлон номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи то-монидан адабиётшунос Алҳамбек Алимбековнинг "Юлдузнинг беш қирраси" номли китоби чоп этил-ди. Ушбу монография Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти сўвриндари Муҳаммад Алининг ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Жаҳон адабиётида машҳур ёзувчи, шоирларнинг ҳаёти, таржимаи ҳоли, асарларининг яратилиш та-рихи, вояга етган ва ижод қилган муҳити энг майда тафсилотларигача ёритилган асарлар китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилади. Чунончи, француз олими Шарль Сент-Бёв, ёзувчи Андрей Мо-руаннинг атоқли ижодкорлар ҳақидаги кўпқаб асарлари маълум ва машҳур. Тўғри, бизда ҳам устоз адибларимиз ҳаёти ва ижоди кенг ёритилган тадқиқотлар, ом-мабон нашрлар бор. Бироқ ҳозирги адабий жараёнда бу жабҳадаги ишлар қони-қарли даражада эмас. Шу нуқтаи назардан А.Алимбековнинг бу китоби эъти-рофга лойиқ.

Монографияда муаллиф халқимизнинг сеvimли адибларидан бири Муҳаммад Алининг ҳаёт йўли, ижодкор сифатида шаклла-ниб камолга етиши, турли адабий тур ва жанрларда яратган асарлари тарихини қамраб олишга, уларни илмий таҳлил орқали ёритишга интилган.

Муаллиф китобини ёзишда "Муҳаммад Али билан кўпгина ижодий сафар-ларда бўлганимиз, дўстлар даврасидаги самимий суҳбатлар, ижодий учра-шувлар, шунингдек, ёзувчининг кундаликлари (у ўн тўрт ёшдан бошлаб кундалиқлар ёза бошлаган) жуда қўл келганини" таъкидлайди. Шунга қара-май, монографияда асосий манба сифатида ижодкорнинг асарлари тадқиқот марказида турлади.


Чунончи, "Машраб", "Гумбаздаги нур" дostonлари, "Боқий дунё" шеърый романи, бу асарларнинг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти алоҳида-алоҳида таҳлил қилинган. Умуман, ёзувчининг насрий асарлари тадқиқи монография-нинг салмоқли қисмини ташкил этган. "Сарбадорлар" романи, "Улуг салтанат" эпопеясиға кирган "Жаҳонгир Мирзо", "Умаршайх Мирзо", "Мироншох Мирзо" ва "Шоҳруҳ Мирзо" романлари ҳар бири монографияда изчил ўрга-нилиб, илмий талқини берилган.

Серқирра ижодкор сифатида устоз адибнинг таржимонлик фаолияти, дол-зарб мавзулардаги публицистик асарлари, адабиётшунослик соҳасидаги илмий ишларини ҳам тадқиқотчи назар-эътибордан четда қолдирмаган. Адибнинг Ва-тан адабиёти, миллий маданиятимиз, маънавий қадриятларимиз тарбияotchиси сифатида хоризжда олиб борган фаолияти ҳам мазкур китобда кенг ёритилган.

ларимиз нидоларини билмаган бегу-ноҳ ёшлар эдик. Халқ тили билан айт-ганда, гўр, соддадил ёшлар эдик. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, та-биатан китоб ошиги, илмига чанқок, эз-гуликка муштоқлигимиз боис, ярим тунгача кутубхонада илм ўрганардик.

Мана, энди замин ва замонлар ўзгарди. Ватанимиз чорасизлик ва то-беликдан қутилиб, озод, эркин замон-ларга етиб келдик. Ўзбек халқи Му-стақилликка, Оллоҳнинг буюк неъматига мушарраф бўлди. Мустақил Ўзбе-кистонимизнинг бугунги шону шавка-тини бутун дунё таниди. Не бахтики, Ўзбекистон Республикасининг Бирин-чи Президенти Ислам Каримов томо-нидан 1996 йил "Амир Темури йили" деб эълон қилинди. Бу хиёбон муқаддас маскан — буюк соҳибқирон Амир Темури хиёбониға айлантирилди.

Жисми жонимиздаги миллий ифти-хоримиз бўлган азим пойтахт Тошкен-тининг бу хиёбонида соҳибқирон Амир Темурининг олийшан сиймоси акс эт-ган маҳобатли ҳайкали қад кўтарди. Ушбу хиёбонда бобомиз ҳайкалига бо-қиб, миллий гурур ва ифтихор наши-дасига тўлиб, секинчи ёшларимни ти-нимсиз артиб, шод ва бахтиёр бўлиб



Муҳаммад Алининг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Юлдузнинг беш қирраси" китоби.

Янги нашрлар

Монографияда муаллиф халқимизнинг сеvimли адибларидан бири Муҳаммад Алининг ҳаёт йўли, ижодкор сифатида шаклла-ниб камолга етиши, турли адабий тур ва жанрларда яратган асарлари тарихини қамраб олишга, уларни илмий таҳлил орқали ёритишга интилган.

Муаллиф китобини ёзишда "Муҳаммад Али билан кўпгина ижодий сафар-ларда бўлганимиз, дўстлар даврасидаги самимий суҳбатлар, ижодий учра-шувлар, шунингдек, ёзувчининг кундаликлари (у ўн тўрт ёшдан бошлаб кундалиқлар ёза бошлаган) жуда қўл келганини" таъкидлайди. Шунга қара-май, монографияда асосий манба сифатида ижодкорнинг асарлари тадқиқот марказида турлади.

ларимиз нидоларини билмаган бегу-ноҳ ёшлар эдик. Халқ тили билан айт-ганда, гўр, соддадил ёшлар эдик. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, та-биатан китоб ошиги, илмига чанқок, эз-гуликка муштоқлигимиз боис, ярим тунгача кутубхонада илм ўрганардик.

Мана, энди замин ва замонлар ўзгарди. Ватанимиз чорасизлик ва то-беликдан қутилиб, озод, эркин замон-ларга етиб келдик. Ўзбек халқи Му-стақилликка, Оллоҳнинг буюк неъматига мушарраф бўлди. Мустақил Ўзбе-кистонимизнинг бугунги шону шавка-тини бутун дунё таниди. Не бахтики, Ўзбекистон Республикасининг Бирин-чи Президенти Ислам Каримов томо-нидан 1996 йил "Амир Темури йили" деб эълон қилинди. Бу хиёбон муқаддас маскан — буюк соҳибқирон Амир Темури хиёбониға айлантирилди.

Жисми жонимиздаги миллий ифти-хоримиз бўлган азим пойтахт Тошкен-тининг бу хиёбонида соҳибқирон Амир Темурининг олийшан сиймоси акс эт-ган маҳобатли ҳайкали қад кўтарди. Ушбу хиёбонда бобомиз ҳайкалига бо-қиб, миллий гурур ва ифтихор наши-дасига тўлиб, секинчи ёшларимни ти-нимсиз артиб, шод ва бахтиёр бўлиб

Анабара ОТАМУРОВА, фахрий журналист

Икром ОТАМУРОД

# БОБОЛАРДАН ҚОЛТАН ЭЪТИҚОД



1951 йилда туғилган. "Вақт ранглари", "Жануб кушлари", "Тўрғайли манзиллар", "Ярадор умид отлари", "Ўрин" сингари шеърӣ китоблар муаллифи.

...Ватан — боболардан мерос бир имон — руҳим мундарижасида муқаддас ёзув. Таниш ва нотаниш имлоларсимон руҳимда ҳисларнинг тўғони тизув.

Ватан — боболарим кечган хотира — руҳим мундарижасин қадимий муҳри. Руҳим туфроғига илдинин ботириб, бўй тортар буюк дарахтдай зуҳри.

Ватан — боболардан қолган эътиқод — руҳим мундарижасин кўҳна суврати. Руҳим рангларига ранг бериб бот-бот, руҳим сувратини безаб туради.

Ватан — руҳим суяги, жоним — руҳим даричасин чертаётган сир. Руҳим томirlарида оқайтган қоним, руҳимга нур сочган кавкабир.

Ватан — соф, покиза, беғубор умид — руҳимда мўғжалаб барг ёзган дунё. Тахтлари бузилмаган ўйларга чўмиб, гардларин руҳимга қилгум тўтиё.

Мен — руҳ чизгисидан яралган жисм, руҳим дафтаридида чизгилар неча?! Ватан — руҳимда уйғонган исм, руҳим — Ватанда гуллаган чечак...

...Китобхонада ўтирган одам, китоб — хаёлинг тахти. Ҳақ чашмидин сув ичган чидам, сен — эзулик дарахти.

Китоб қидирасан, китоб титасан, ўзгарган имлолар магзини чақиб. Сарғайган варақлар чангин ютасан фарку фано мақомин тақиб.

...Китобхонада ўтирган одам...

...Сен — элатсан, сен — халқсан, сен — миллатсан, сен — Ватан! Руҳида ҳурлик балққан соҳибназарсан, зотан.

Сен — гурусан, сен — қалр, сен — номуссан, сен — орсан. Ботини нурга адр, зоҳири дилга ёрсан.

Сен — хотирсан, сен — қадим, сен — бутунсан, сен — эрта. Сен — узуқ-юлуқ одим — йўллар чизган харита.

Сен — армонсан, сен — умид, сен — ўзликсан, сен — ўзсан. Сен — англаш деган вужуд англаган улуг сўзсан!...

...Китобхонада ўтирган одам, китоб — хаёлинг тахти. Ҳақ чашмидин сув ичган чидам, сен — эзулик дарахти...

...Даштнинг осмони олис-олис, олис-олис осмондан дашт ҳам. Кундуз куёш талшинар холис, нуриин даштга сингдириб ҳар дам.

Шомда эса порлаган қамар олис-олис партавин тақиб, дашт осмонин тўнини ямар зулумотнинг зулматин чақиб.

Юлдузлар тўп-тўп бўлиб кўкда масофа сирига ёнғашиб, шуъаларин сочар фалақдан олис-олис даштга энгашиб.

Осмон ила даштнинг ҳубида олис-олис йўл олар хаёл. Шивирлар канглумнинг тубида чексизликка талшиниб савол...

...Мени зинҳор-зинҳор тарк этма хаёл, канглумнинг тубида мудом макон тут. Канглум бор бўлади, бор бўлсанг хаёл, хаёл канглум танин айлагайсан бут.

Хаёл солиб тургин канглумга нингоҳ, сияоат сеҳрининг борлигин жамлаб. Агар хаёл бирдай чекаверсанг оҳ, гамларим гамларин гамлайди гамлаб.

Канглумни сирқитиб етаклар нидо, канглумга зорини тўкканча бот-бот. Э воҳким, канглумда бўлмасин адо, новдалаган хаёл илдизи, ҳайҳот!

Канглумда қуримасин бирор-бир лаҳза, мен хаёлга ташна хаёлинг оии. Мени йиғлатмасин марзама-марза, канглумдан ўчмасин хаёл имкони...

...Олислардан поезд довуши инар — чирсиллаб узилар орзиқин. Канглумнинг тубида хўрсинар — сирқиқин.

Сукутга кетаман, сукутлар босиб, руҳим шивирлари сағир. Осмон шифтларига абрлар осияқ, қизғалдоқ мўғжасин ювади ёмғир.

Жовдирар хаёлим тулпорлари боз, учолмас — йўллар ҳайрони. Юрагимга мунгдуг санчилган овоз соғинтирар Қашқадарёни.

Мангу соғинчимга айланар лаҳза — қўймайман, тўймайман бағримга тортиб. Югурар бепарво, марзама-марза поезд менга дардини ортиб.

Юрагимда қалқиб синади гамлар — афсус садосими ё доғ солган из. Мени якка ташлаб чопади дамлар, мени якка ташлаб чопади поезд.


Суст қотаман... Суст қот... Энтикаман — дар, Кўзларимга тикчалар шовуш... Қанчалар олдидан келган бўлса гар, шунчалар олислаб кетар бу довуш...

Йўлда кетаётғиб меҳрни кўрдим, меҳрни кўрдим мен тупроқди йўлда. Лол қотганча, ҳайрон термулиб турдим, ҳайрат ёқасини ушладим қўлда.

Ботиним тирнади қандайдир сукут, негадир жимгина, суст қотдим, зор-зор. Дунё меҳринг борин сукутингда тут, меҳринг меҳрини унутма зинҳор.

Бу меҳр мўғжаз бир таажжуб эди, беминнат ёндошлик пайванди кўрча. Меҳринг бағрига жойлаб борарди, елкасига елкалаб мўрчани мўрча...

1961 йилда Бухоро вилоятида туғилган. "Иккимизнинг ёниқ ишқимиз", "Остонадан бошланар Ватан", "Соғинч сарчашмаси", "Онам эккан райҳонлар", "Қалбим қалъаси" каби ўндан ортиқ китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Соғинчларин самоларга сочиб келган қалдиғочлар Симёғочнинг симларига ўзин маржон каби тизар.

Қошга ўсма, кўзга сурма қўйиб олган паривашлар Оҳу каби кўзин сузиб, ошиқларин бағрин эзар.

Тушларида маҳбубасин кўрган белор, бўз йиғитлар, Саболарнинг қанотига дил изҳорин бир-бир ёзар.

Наврўзойга пешвоз чиққан мард, меҳнаткан ояа халқим, Хур Ватаннинг кучокларин юрак меҳри билан безар.

Юракларга ишқ қўшгин солиб сирли бу навбахор, Сунг Зикрилло Незмат дебон шеър остига муҳр босар.

## СЕНИ СОҒИНДИМ

Келгил, эй шўхи дилоро, кўп соғиндим мен сени, Дардим айтгай ошкоро, кўп соғиндим мен сени.

Андлалиблек оҳ чекарман йўлларингда кўз тикиб, Келгил, эй сарви нигоро, кўп соғиндим мен сени.

Кирган эрдик бул Мухаббат гулшанига иккимиз, Қолгач ишқ боғида таҳоҳ, кўп соғиндим мен сени.

Боғ аро гул сайри сенсиз этмагай кўнглимни шод, Эй қалду рухсори аъло, кўп соғиндим мен сени.

Ишқ аро бедор кезиб шаҳри Самарқанд, Хоразм, Дилбери шаҳри Бухоро, кўп соғиндим мен сени.

Бул Вафойига вафо айлаб кел эй, шўх дилбарим, Жон берай васлинг аро, ки кўп соғиндим мен сени.

## ЮРТ ҚАДРИ

Асрай билгил, эй дўстим, Ер ила осмонинг, Хазон кучмасин ногоҳ боғ ила бўстониинг.

Жонажон дийринг, асра ҳар лаҳза, ҳар он, Широк каби бу йўлда тиксанг ҳамки жонинг.

Боланга юрт қадрини ўргатмоқдан тинма ҳеч, Огоҳликда ўтказил га ҳар лаҳза, ҳар онинг.

Юрт тинчилигин асрамоқ — эл оғий саодатдир, Юксакларга кўтаргай шараф ила шонинг.

Эй Зикрилло, кўзинга суртиб Ватан тупроғин, Мард ўғлонлар шаънига ёз шеър дostonинг.



МАНГУ ЛАҲЗА  
Таниқли адиб садақатли умр йўлдоши Турсуной ая билан.  
(Сурат Содиқ МАХЖАМОВ бисотидан олинди).

ШУХРАТ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# МУҲАББАТ

("Шинелли ўналар" романидан парча)

«Балки, муҳаббат деганлари шудир? Бўлма-са нега юрагим орзиқади. Уни кўз олдимга келтирсам, қалбим гурс-гурс уради, ширин орзу вужудимни эркалаб ўтади. Чиндан ҳам муҳаббат шуми? Дейдиларки, одатда, севишганлар ўз кўнглиларини тил билан изҳор эт-майдилар, имо-ишора ва баъзан қочирик гап-лар жуда яхши восита эмиш. Хўш, Мухаррам-да шундай аломатлар бормиди? Унинг кўнгли-да севги бор экан, нега сўнги кунгача юзи-да бирор марта барқ урмади, икковимиз ҳам бир инстутудда ўқидик. У ҳам аълочи эди. Баъзан «Аълочилар тахтаси»да суратларимиз ёнма-ён ҳам қўйилиб қоларди, лекин шунда ҳам нега бирор ишора қилмади? Жилла бўлма-ганда «Узимиз бир-биримиздан узоқ юрсак ҳам, суратимизни ёнма-ён қўйишибдими, а?» демади. Институтни битирганим-да биринчи бўлиб табриклаган, қўлимни қаттиқ сиққан эди. Ёки

## Тирик сатрлар

Наҳотки, мен пайқаман бўлсам? Ҳа, Лев Толстой «Анна Каренина»да Дарья Александровнанинг тили билан бекорга шундай дема-ган: «Сиз эркалар, қизларни кўрасиз, суҳ-батлашасиз. Кўнглингизда биронтасига бўлган севгингиз пишиб етгандан кейингина қўлини сўрайсиз. Бечора қизлар-чи! Доимо кутишда. Қизлик ҳаёси босиб, кўнглингиздан узоқ юрсини ҳам очик айтолмайди, Сизнинг такли-фингизга «йўқ» ёки «ҳа» деб жавоб беришга ҳақли, холос!»

Эҳтимол, Мухаррам ҳам шундай ҳолатда бўлгандир? Менинг ҳарбийга жўнаш куним-ни энг яхши фурсат билиб, мендан бир нар-са эшитиш ниятида кузатиб чиқмадимикан? Шу билан ўз кўнглини изҳор қилмадимикан? Мен унинг бу ишини самимий дўстлик деб, хато қилмадимми? Унинг бу ишини оддий дўстлик деб билган эканман, нега поезд жил-гач, кўнглим алланечук бўлиб кетди? Йўл-йўлакай хаёлимдан узилмади. Ҳар развезд, станциядаги қиз кўзимга у бўлиб кўринди. Нега назаримда, у ҳамон Тошкент станция-сида кўл силкиб хайрлашаётгандек бўлиб ту-ради? Нега Красноводска келиб, пароход кутар эканман, поезд қичқирганини эшитиб, юрагим бир орзиқиб кетди, шу поездда Му-харрам жўнагандек бўлди-ю, паровоз ўтчо-насидан чиққан қора тутундек бир нарса кўнглимга соя солиб ўтди? Нега у кўз ол-дидан кетмай қолди?

Шу муҳаббат бўлса керак!»  
Элмурод шундай ўйлар селида фарқ бўлиб, уйқуси қочди. Ҳа, бироқ аниқ фикрга ке-лолмас эди. Бу ўйлар шу даражада чувалиб кетдики, бора-бора у ҳеч бирини равшан та-саввур қилолмай қолди. Боятдан бери гаши-га тегаётган аллакимнинг хуррак отиши ҳам энди унга эшитилмасди. Уйқу элитди. Ўйла-рининг охири, тоғлар этаги қирга туташган-дек, тушга уланиб кетди...  
— Подъём!..

Ҳалигина ширин уйқунинг беланчагида ал-лаланаётган жангчилар дув кўтарилди, гўё сокин ўрмонда ногаҳон ўқ узилди. Ҳар ким тезроқ кийиниб ўзини ташқарига уради, казар-манинг нариги бурчидан кимдир: «Иккинчи взвод, бўш келмайсан!» деб қичқиради, ўзи ҳам шоша-пиша кийинаётган бўлса керак, товуши-да бир нарсага уринаётганлик зарби бор. Элмурод шошганидан бир оёғига шим почас-ини киймай пайтавани ўраб қўйди. Уни чу-ватиб қайтиб кийгунча, деярли ҳамма таш-қарига чиқиб «сафга тизилиш» буйруғини кут-моқда эди. Ахир пайтава ҳам икки қулоч бор-да! Ечиб, ўраш тўрт метр. Бўлим командири унинг қошига келди:  
— Кечикдингиз-ку!  
Элмурод воқеани баён қилди. Командир

Шухрат (Фулум Алимов, 1918-1993) Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Дастлабки асари — "Мехрол" эртақ-достони 1940 йилда эълон қилинган. "Шинелли йиллар", "Олтин зангламас", "Жаннат қидирганлар" романи, "Оқиқатли кишилар", "Бир кеча фожиаси" қиссалари, "Беш кунлик куёв", "Кўша қаринлар", "Она қизим" псалари, "Ҳаёт нафаси", "Сенинг севгинг", "Шайдо кўнгли" сингари шеърӣ тўпламлар муаллифи. Жаҳон адабиёти намояндalари — Гейне, Пушкин, Лермонтов, Швеченко, шунингдек, япон, ветнам ва озарбайжон шоирларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. 2003 йилда "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган.

Зикрилло НЕЪМАТ

# ИШҚ АРО БЕДОР КЕЗИБ...

## САОДАТ

Муқаддас бир таянч йўқдир уйингнинг синчидан бошқа, Ки олий бир саодат йўқ Ватаниннг тинчидан бошқа.

Тириксан то отанг бирла онажонинг дуосин ол, Бу оламда улуг бахт йўқ алар севинчидан бошқа.

Диёрин соғиниб фурактада Бобур оҳу воҳ чекмиш, Буюкроқ бир соғинч йўқдир Ватан соғинчидан бошқа.

Кўзингга доимо юртинг хокини тўтиё қилгил, Билолмас қисматни кимса мунажжим, синчидан бошқа.

Диёрингдин тушиб айро, ки қолма ранж-аламларда, Оғирроқ бир азоб йўқдир Ватан ўқинчидан бошқа.

Тўйиб дийдорига юртингни ҳар лаҳза фидо бўлгил, Вафойи, тогли роҳат йўқ дилиннг овунчидан бошқа.

## КЎКЛАМ ҚЎШИҒИ

Кўклам келиб кўкда қўёш ёғдулар-ла мажлис тузар, Қир-адирин майса-гнёҳ, лола, қизғалдоқ-ла безар.

Тоғ бағридан бойчечакни топиб олган болажонлар "Баҳоройни топдим!"- дебон қийқириниб олам бузар.

Ялпизларинг юзин ювиб ёғиб ўтгай ёмғиржонлар, Анҳор-сойлар тўлқинлатиб дала-данглар томон сузар.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тўғри, роман назарияси билан шуғулланган санокчи тадқиқотчиларнинг ишларида мазкур жанр генезисини эпослар, достон туркумлари, халқ нарсини, ҳатто ҳамсачилик аънавлари билан боғлашга уринишлар бор. Аммо уларнинг аксариятида умумий қайдлар ёки умумкомпозицион муқоясалар билан чекланган. Айни пайтда, биринчи ўзбек романини Европа, рус ва замонавий Шарқ нарсини аънавларига нисбатлашга мойиллик кучлироқ экани сезилади. Биз адабий таъсирнинг бу томонини инкор этиш фикридан йироқмиз. Аммо ҳар қандай миллий адабиётшунослик муайян жанр генезисини илдизларини, аввало, туб манбалардан излаш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз. "Ўткан кунлар"нинг туб манбалари эса ўзбек халқ эпоси ва мумтоз адабиётимиздир.

Алишер Навоий "Хамса"сини миллий эпик тафаккур генезисини юзасидан кузатиш шунини кўрсатадики, бу асар кейинги давр ўзбек нарсини эмас, умумтуркий, умумшарқ адабиёти тақомилига ҳам салмоқли таъсир кўрсатган. Илҳом аънавлари негизда яшаган XVI - XIX асрлар ўзбек адабиётини бир четга қўйиб турганимизда ҳам, жадид адабиётдан Ойбек, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемиргача Навоий ижодидан етарлича таъсирланганлар. Биринчи ўзбек романида эса бу аънава ўзига хос тарзда ақс этган. "Ўткан кунлар" романи бадийи структураси "илк сюжет" асосига қурилган, роман образлар системаси асосида "ошиқ - маъшук" рақиб" учлиги туради. Абдулла Қодирий романи бу жиҳатдан Навоий "Хамса" достонлари билан тўла аналогияга эга. Романдаги бош қаҳрамон хронологию - ошиқ ўз маъшукасини "ўзга диёр" хронологияда топиши, "илк учрашув"нинг сув воситасида содир бўлиши, бир қўришда севиб қилиши, бу йўлдаги курашлар, тadbирлар, асарнинг ўлим билан яқунлиши - "Фарҳод ва Ширин"даги эпизодларни эслатиши тасодифий эмас. Навоий достонидангина ойна деталининг "Ўткан кунлар"га келиб суьга, Арман дёвирининг Марғилонга, дев, Аҳриманларнинг Ҳамид ва Содиққа алмасуви, ошиқ тadbирларининг эса эзотерик қатламдан детектив мантқ қатламга қўчиши, ўлим эпизодининг реал рақиблар зиммасига юкланиши роман табиати ва давр ўқувчиларининг рецептив эҳтиёжлари билан боғлиқ. Қолаверса, ошиқ-маъшукани фожиага олиб келган фитна эпизодларининг "висол"(ошиқ-маъшуканинг қовушуви) мотивидан кейин содир бўлиши, қанчадан-қанча синовларни мардона энгиб ўтган ошиқ, садақатли маъшуканинг гўё "осонгина"(Фарҳод ва Шириннинг ҳийла, Отабек ва Кумушнинг захар воситасида) ҳалок бўлиши ҳам "Хамса" ва биринчи роман аналогиясига далил бўлади. Ўзинингча, муаммо тахлийий аспектида чуқур тadbик этилса, бу икки асар

ўртасида сюжет, образлар системаси ва бадийи-концептуал аънавийлик мавжудлигини исботлаш қийин эмас.

Айни пайтда, романдаги маъшук образи - Кумушдаги қўғина хислатлар Ширин, Лайлини эслатиши том маънода аналогик моҳиятга эга. "Хамса"нинг мажозий қатлами нукта назаридан қараганда ҳам Ширин ва Лайли ниҳоятда сулув. Уларни кўрган ошиқ бундай гўзалликка дош бера олмайди. Ихтиёрсиз равишда ҳушини йўқотиб қўяди. "Ўткан кунлар"нинг "Қутилмаган бахт" боби хотимасида эса шундай тасвирга дуч келамиз: "Отабек дўкондорнинг кўрсатишича кутидорнинг ташқарисига кирди. Шу вақт тасодуфан нима юмуш билан-

за" билан "ношод" ўтирганини аналитади. Аммо дард маъшук ҳуснини оширса оширганки, асло камайтирмаган: "Туриб ўлтурган бошини бир силкитди-да, ижирганиб қўйди. Силкинчи орқасида унинг юзини тўзган соч толлари ўраб олиб жонсўз бир суратка киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак кутидорнинг қизи - Кумушбиби". Матндан келиб чиқадиган бўлса, ҳар икки маъшуканинг сулувлиқда танҳолиги гайриоддий эпитет билан берилгани маълум бўлади: Навоийда паризод, Қодирийда малак. Лайли ҳам, Кумуш ҳам бир дард билан оғриганлар. Оғриқ манбаи зоҳиран мавҳум, моҳиятан аниқ - ишқ дарди.

Романдаги хронологик тартибга кўра, шу

табиий яратилган ичидаги энг фаол модда эканини, у инсондаги ҳар қандай сўз, фикр, ҳиссийят, ҳаёлга, мазмун-моҳиятига кўра, "муносабат" билдиришини илмий асослади. Ушбу кашфиётларига бутун дунёни ишонтирди. Навоий ва Қодирий асарларидаги сувнинг жунбушга келиш эпизоди мана шундай ҳиссий (ишқ ва ошиқ соғинчи), психосоматик(ёрни кўришга бўлган кучли ботиний истак), антропологик(маъшуканинг ниҳоятда гўзал қилиб яратилгани), хусусан, аниқ илмий заминга таянади. Навоийни улкан бир муҳаббат билан мутолаа қилган, кўнглига сингдирган Абдулла Қодирий ўз романидаги идеал қаҳрамонни тасвирлашда "Сабаъи сайёр"дан келтирилган

бўлиб қолган Муқбил тақдир тақозоси билан маъшук юртига бориб қолади. Муқбилнинг иймони, тўғрисузлигидан таъсирланган шок уни вазира мансабига кўтарди. Устига устак, фарзандликка "кабул" қилади: Узимга кувёв бўласан, дейди. Рўёда кўрган сулув ишқидеа беҳуд Муқбил шох илтифотига эътироз билдирди. Шох эса бундай эътирозларни қабул қилмайди: *Боқмайин шох эътирозига ҳам Кўймай ани ўз иштиёрига ҳам/ Харж этиб маҳзан ошкору нуҳуфт/ Қуррат ул-найи найлади анга жуфт...* Тўй-томоша қилиб, кўзининг оқу қораси - ёлғиз қизини Муқбилга никохлаб беради. Келишни гўшангада кўргунига қадар бу никоҳдан норози бўлган, азбаройи шохнинг илтифотидан ҳаё қилгани боис никоҳ ақдини тузган Муқбил ҳам, Муқбилни тушида севиб қолган шох қизи ҳам асл ҳақиқатни лаҳза ичида англайдилар. Ошиқ - Муқбил "Сандали симё"да кўрган рўёда учратгани маъшукани, маъшук эса ошиқни танийди. Ошиқ-маъшук кутилмаган бахтга эришадилар. Висол шавқидан ором топадилар: *Топти маҳваш висоли бирлан ком...* Навоий Муқбил сюжет чизиғидеги сирни маъшук тилидан оқди: *Анда вола эдинг мисолимга/ Мунда еткурди Ҳақ висолимга...* (Тушда тисолимнинг кўриб ошиқ бўлган эдинг. Энди Ҳақ сени висолимга етказди (иктибослардаги барча таъкидлар бизники - У.Ж.), дея яқунлайди маъшук ўзини жинлар шохни севиб қолгани ҳақидаги сирли қиссани.

"Ўткан кунлар"да ушбу сир эпизоди муаллиф тилидан баён этилади: "Кумушбибининг юқоридеа "Сиз ўшам!" деб сўраши шунга биноан бўлиб, аммо унга масаланинг англашилмай қолиши ва чин бахтни билмас кутиб олинши қизиқ эди".

Қийсий тахлилар бизни шундай ҳулосага олиб келади: биринчидан, мумтоз миллий адабиётимизнинг зукко билимдони бўлган Абдулла Қодирий Алишер Навоий "Хамса"сини беш муастақил достондан иборат бир мажмуа сифатида эмас, бир бутун бадийи система деб тушунган, ўзбек романчилиги аънаванасига худди шу тарзда олиб кирган; иккинчидан, Навоийга хос сюжет, образ, бадийи таъсир хусусиятларини ўз романига максимал даражада сингдирган; учинчидан, "Ўткан кунлар" романи бадийи-концептуал асосларини ўзига замондош замонавий Шарқ ёки Европа адабиётидан эмас, бевосита миллий адабиётимиздан, хусусан, Навоийнинг "Хамса" эпопеясидан келиб чиқиб белгилаган.

Узоқ ЖўРАКУЛОВ,  
филология фанлари номзоди,  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети доценти

# "ХАМСА" ВА "ЎТКАН КУНЛАР"

дир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтаган чингилин йигитка беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, гайриихтиёрий ихкиси ҳам бир-бирисидан бирмунча вақт кўз ололмадилар (таъкид бизники - У.Ж.). Кўз кутди, аср намозини қазо қилиб куч билан кутидор уйдан чиқди...". Ушбу тасвирда, очик айтилмаган бўлса-да, айнан худшдан айрилиш, ўзни йўқотиш ҳақида гап кетаяпти. Жумладаги "гайриихтиёрий" ибораси бунга тасдиқланади. Устига устак, "ихтиёри"ни йўқотган Отабек шу аснода аср намозини қазо қилади. Ҳолбуки, эътиқодда солим иймон эгаси бўлган Отабекнинг аср намозини қазо қилиши ақлга сиғмайди ҳолат. Бу эса намознинг қазо бўлишига доир ахборотнинг ёзувчи томонидан "ариқбўйи" эпизодига аниқ бадийи мақсад билан киритилганидан далолат беради.

Шундан сўнг Отабек ҳам, Кумуш ҳам муҳаббат дардига чалиниб, тунни алаҳлаб ўтказадилар. Отабекдаги ҳолат Ҳасанали нигоҳи орқали тасвирланади. Отабекка нисбатан "маънавий ота" рутбасида турадиган Ҳасанали бу дардга аниқ ташхис қўяди: ишқ дарди ("Бек ошиқ")! "Лайли ва Мажнун"да эса ошиқ маъшукани кўриш нари турсин, ундан келаётган ифори туйбоқ худшдан ажрайди. Маъшук ҳам рустман касалга чалинади.

**Лайли демай, ул бути паризод,  
Бир ориза бирла эрди номод.  
Таъбиди қуёш ҳарорат,  
Айшига солиб эди марорат...**

Навоий бемор Лайли ҳолатини тасвирлаган иктибос-шеъринг содда ва мухтасар мазмунини шундай: Сулувлиқда тенги йўқ паризод - Лайлининг "бир ориза" - мавҳум бир касалиқдан таъби хира. Қаттиқ иситма фарҳали турмуши("айши")га "марорат" (ғам-ғусса) солган эди. "Ўткан кунлар"да ҳам маъшук тасвирланган илк эпизод унинг қандайдир "ори-

воқеадан сўнг "бош оғриғи, кўз тиниши" каби "оғриғлардан" шикоят қилиб юрган Кумуш ариқ бўйига боради: "Унинг кўзлари мулойимгина сув устига оғдилар (таъкид бизники - У.Ж.). Ариқнинг мусоффо тиниқ суви ёвошгина оқиб келар, Кумушбибининг қаршисига етканда гўёки унинг таъзимини учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган соҳиранинг сеҳрига мусаҳҳар бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айланган, оҳистагина кўприк остига оқиб кетар эди... кўл узатиб сўвдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди (таъкид бизники - У.Ж.)... Иккинчи, учинчи қайталаб юз юқишда бу фитна тағи ҳам кучайди...". "Сабаъи сайёр" достонининг XXIV бобига илова қилинган "Меҳр ва Сухайл" ҳикоятидеа эса маъшук денгиз сафарига отланади. Сафар олдидаги маъшук жамоли ва бу сулув нигоҳи тушган денгиз ҳолатини Навоий шундай тасвирлайди:

**Юзига меҳр банду оти Меҳр,  
Уйрулуб меҳридек бошида сипеҳр.  
Баҳра ноз ила чу кўз солибон,  
Дема кўлок, баҳр кўзюлбон...**  
**Бир кун истаб тенгиз тафарружини,  
Ел хиромини-ю сув тамавуҷини...**  
(Таъкид бизники - У.Ж.)

Байтлар таркибидеа келган "бахр", "тенгиз" сўзлари суви, "кўлок", "тамавуҷ", "кўзюлмок", "ел хиромини" сўзлари эса сувда юз берган ўзгариш - дафъатан тўлқинланиш, денгиз тўфонини аналитади. Бошқа мисралар мазмунидан маълум бўлаётганки, Навоий сувдаги бундай фавқуллода ҳолатнинг рўй беришига сабаб қилиб Меҳринг гўзаллиги, нигоҳи ва кўнглидаги ишқни кўрсатмоқда. Оригинал бадийи кашфиёт! Айни пайтда, аниқ илмий асосга ҳам эга. Кейинги ўн беш йилгира йиллар орасида аниқ олимий Емото Масаро сувнинг

эпизодни қайта жонлантирган бўлиши эҳтимол эмас, аниқ ҳақиқатдир.

Абдулла Қодирий "ариқбўйи" эпизодидан кейин "Қизлар мажлиси"ни тасвирлайди. Бу мажлисга ғамдан ҳориб кириб келган Кумушнинг Марғилоннинг энг сара қизлари билан бадийи муқояса қилади: "Агар биз шу кезде заршунослик учун энг шимарсақ, яъни гулни гулдан ажратадурган бўлсақ бояғидек эсанкираб, мутараддид қолмаймиш, чунки Кумушбиби лолалар ичидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидаги тўлган ой эди" (таъкид бизники - У.Ж.). Қодирийнинг маъшуканинг тенгсиз сулувлар фонидеа тасвирлаш усули "Лайли ва Мажнун"даги Лайли ва канизлар тасвири билан юз фойз аналогияга эга десак, хато бўлмайди.

**Юз гилдия икди гаҳвар андоқ  
Ким, ой ила бўлғай ахтар андоқ...  
Ҳусн ичра аёғидин боши хўб,  
Бошида аёғига тегру маҳбўб...  
Кенида неча канизи ҳамқад,  
Борча гул рўю аргуван хад...**  
(Таъкидлар бизники - У.Ж.)

Яъни бу байтлар ҳам "Канизлари даврасида келаётган Лайли лолалар орасида танҳо гул, юлдузлар қуршоғидаги тўлган ой эди" деган маънони аналитади. "Ўткан кунлар"даги сюжет тартибига кўра, "Қизлар мажлиси"дан кейин ошиқ ўз маъшукаси висолига етишади. Роман муаллифи машҳур "Сиз ўшамиз?" диалог-фрагментига қадар ариқ бўйидаги "илк учрашув" эпизодини сир тутайди. "Қутилмаган бахт" бўлимидаги мана шу сўроқ сиринг очилиши учун ибора-детал вазифасини ўтайди. Севишганлар "қутилмаган бахт"га эришадилар. "Сабаъи сайёр" достонининг "Муқбил ва Мудбир" ҳикоятидеа ҳам ошиқ-маъшуканинг висол лаҳзалари қутилмаган бахт билан бошланади... "Сандали симё"да юз берган рўё хронологияда шох қизига қойибона ошиқ

# ОЛАМНИ ЁРИТГАН МУҲАДДИС

Бошланиши биринчи саҳифада.

Кўплаб ишончли манба, луғатларда ҳадис ва муҳаддис истилоҳларига қуйидагича таъриф берилади: "Ҳадис - сўзлашув ва хабар бериш маъносидеа келган наҳл(баён ва ифода)нинг номидир. Кейин эса пайғамбар Мухаммад с.а.в.нинг сўзлари ёки феъллари ёхуд бирор масаладаги тўхтамлари ҳадис дейилган. Ҳадислар икки қисмдан - санад ва матндан ташкил топади. Ҳадис илми билан шуғулланган зотлар муҳаддис номи билан аталганлар. *Муҳаддис* - ҳадисларнинг санадларини, иллатларини, ровийларнинг аҳолини билган, имкони боричеа ҳадис ёдлаган, "кутуби ситта"(олти машҳур ҳадис китоби)ни, Аҳмад ибн Ханбалнинг "Муснад"ини, Байҳақийнинг "Сунан"ини, Табаронийнинг "Мўъжам"ини тинглаган(сабоқ олган) ва буларга ҳадис жузъларидан минг жузъгача қўша олган кишидир" ("Сунани Термизий"). Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Абу Бакр б. Язданёр Урмавий тилдан муҳаддисларнинг бутун хайрли фаолиятини очиб берувчи "Муҳаддислар - суннат қўриқчиларидир" деган ҳикматни келтирса, "Арбаъин"нинг "Сабаби таълифи манъума" фаслида бу дунёда ким ҳадисларга итоат этиб, бўйсуниб, амал қилиб яшаса, эртанги кун, яъни у дунёда унга муҳаддислар воситаси, ҳимоячи бўлади, деган пурҳикмат фикрларни шундай бадийи талқин этган:

**Бу кун ўлса ҳадисларга мунъ,  
Тонгла бўлмай муҳаддис ани шафъ.**

Алишер Навоий Имом Бухорийнинг шарафли исми ва шох асари "Саҳихи Бухорий" номи билан машҳур бўлган "Ал-Жомеъ ас-Саҳих" китобининг номини "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида берилган Абдулвалид Аҳмад б. Аб Ража ҳақидаги фикрада илова характерида тилга олган. Чунончи: "Озодон қарясидиндурки, Хиротга муттасилдур. Улмуи зоҳирий ва ботиний била олим эрди.

Имом Аҳмад Ханбал р. а. шогирдидур. Ва Бухорий ўз "Саҳих"ида андин ҳадис ривоят қилибдур. Авоида кўп моли бор эмиш. Барчасини ҳадис талабидеа ва ҳаҷда... сарф қилибдур"... Алишер Навоийнинг тазкирада Имом Бухорий тўғрисидаги қисқа ва аниқ маълумоти, бу - "Ва Бухорий ўз "Саҳих"ида андин ҳадис ривоят қилибдур", деган мўтабар шарҳидир. Тазкирада Имом Бухорий ҳақида алоҳида фикра берилмаган. Аммо бу изоҳ ҳам бизга, биринчидан, ўз даври илмларини, хусусан, фикҳни, ислом ҳуқуқининг Қуръон ва ҳадис каби асосларини ҳар томонлама ўрганган Алишер Навоийнинг улғу муҳаддиснинг ҳаёти ва фаолиятини, йигирмадан ортиқ асарларидан иборат ниҳоятда бой ва қимматли илмий меросини яхши билганидан, иккинчидан эса, Абулвалид Аҳмад б. Аби Ражонинг ҳадис илми талабидеа қўлидаги давлатнинг ярмини сарф қилганидан ўқувчини хабардор қилади.

Алишер Навоийнинг бу маълумотларига ҳамонҳанг қисқа ва аниқ маълумотни Бобур ўзининг "Бо-

бурнома" асарининг Самарқанд тасвирида ўқиймиз: "Яна соҳиб "Саҳихи Бухорий" Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдиндур"... деб битган. Аммо Бобур устози Хожа Мавлоно Абдулло қозидан олган дарслари таъсирида "Саҳихи Бухорий"га нисбатан "Ҳидоя"ни яхши билган, ўзлаштиргани боис, қийсий характерида фикҳ фанида мўтабар китоб деб "Ҳидоя"ни таъкидлаб кўрсатади: "...яна соҳиб "Ҳидоя"ким, Имом Абу Ҳанифа маъзабадида "Ҳидоя"дин мўтабарроқ китоби фикҳ ҳам бўлғай, Фарғонанинг Марғишон отлиқ вилоятиндур, ул ҳам доҳили Мовароуннаҳрдур". Бобур мазкур маълумотида ўзинга хос тарзда Имом Бухорий вафот этган, дафн этилган Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанак қишлоғининг номини ҳам кўрсатган. Кўринадик, Алишер Навоий ва Бобур Имом Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-Саҳих" шох асарини илмий услубда, илмий тилда эмас, балки халқ ўрта-сида "Саҳих", "Саҳихи Бухорий" номи билан машҳур бўлган халқона номда ёдга олган. Машҳур араб сайёҳи Ибн Батута "Саёҳатнома" китобида Имом Бухорийни юксак ҳурмат билан тилга олган.

Маълумки, Қуръон ва Ҳадис фикҳнинг асосий асосларидандир ва шаръий далил, яъни рамзий маънода икки ишончли гувоҳ ҳамдир. Чунончи, "Насойим ул-муҳаббат"нинг шайх Абу Сулаймон Дороний зикрида шайх тилида худди шундай рамзий гувоҳ маъносидеа қўлланган: "Ва ҳам Абу Сулаймон дебдурки, қўпична ҳақиқат(кашфу асрор) қалбимда кирк кунлаб улоқиб юради. Уларни фақат икки гувоҳ: оят ва ҳадис асосидагина қалбимдан жой олишга ружусат бераман".

Ҳадисдаги амалий ҳукмлардан бўлиши муомалага тааллуқли ҳукм, яъни инсоннинг бошқалар билан бўладиган олди-сотдиси ҳақидаги кузатишларимиз Алишер Навоий Имом Бухорийнинг "Саҳихи Бухорий" китобида берилган "Оллоҳ байъни ҳалол қилган" деган ҳадис мазмунини ўз газалларидан берида далил сифатида ифодаллаган, ўзи ҳам катта сармоядор сифатида тижорат ишларида мазкур ҳадисга амал қилиб иш юритганини кўрсатади. Фикримизнинг исботи учун шоир газалларидан берида маҳорат билан қўллаган аҳли байъ - ахл(эга, соҳиб, тегишли) ва байъ(савдо, сотиш, олди-сотди, савдолашиш) сўзларидан ясалган ва даллол маъносини билдирган изофали бирикмага эътибор қилсак. Мазкур ҳадис халқ ҳаётига ниҳоятда чуқур сингиб кетган ва одат тусига кирган. Халқ орасида қадимдан ҳозиргачеа мавжуд бўлган одатлардан бири бўлмиш - олди-сотти жараёнида аҳли байъ - даллол томонидан сотувчи билан харидор қўлини бир-бирига тутқазиб, уч марта "бор, барака" деб, савдодаги ўзаро оғзаки шартномани амалга ошириш ва савдо устида олдиндан берилган танган байъона ёки байъоши, байъ пулини ҳам олишдир. "Саҳихи Бухорий"да жамланган ҳадисларни ҳамда халқнинг бундай урф-одатларини яхши билган Алишер Навоий юқоридеа зикр қилган ҳадис мазмунини ва мазкур одатни "Наводур ун-ниҳоя"га киритган "Чун илик бер-

маски, ўпсам ул ситамкор илгини" деб бошланувчи 7 байтли "илгини" радибли газалида маҳорат билан қўллаган ва лирик кечинмаларига ишончли, ҳаётий далил сифатида келтирган. Бу далиллашнинг навоийшунос Ё. Исҳоқов назм ва насрда ўз матабалининг исботи учун лафофат билан далил келтиришдан иборат бўлган маъзаби каломий санъати, мақола муаллифи эса тасмил воситасида таҳлил қилган. Чунончи:

**Жон сотармен хоки пойишта, недиким, аҳли байъ  
Туттурурлар сотқучи бирла харидор илгини.**

Алишер Навоий ўзининг "Қирқ сўз борча шубҳадин солим" дея яратган "Арбаъин" асарида ҳам Имом Бухорийнинг "Саҳихи Бухорий", "Ал-адаб ал-муфрад" каби ҳадис китобларидан таъсирланганини, ҳадислардан маҳорат билан фойдаланганини билишимиз мумкин. Ҳатто мазкур асарида ҳадис, саҳих ҳадисга шеърый усулда илмий таъриф ҳам берган:

**Ҳамд ангамки, каломи хайрмаол,  
Қилди элга расулидин ирсол.**

**Ул Расулеки, ҳам каломи фансиҳ,  
Элга тегурди, ҳам ҳадиси саҳиҳ.**

Алишер Навоий тазкирада жаҳондаги олти нафар энг машҳур муҳаддислардан Саҳих йўналиши асосчиси Имом Бухорийдан ташқари яна қўплаб муҳаддисларни ва уларнинг ҳадис илмига қўшган хизматларини муайян даражада ёдга олган. Масалан, Доримий Самарқандийни шайх Мухаммад б. Мансур Тусий зикрида тилга олган: "Ул Бағдодда эрмиш, сўфий ва муҳаддис Усмон б. Сайид Доримийнинг ...устоди эрмиш". Ёки "Али бинни Бундор б. Хусайн Сўфий Сайрафий бешинчи табақадиндур. Қуният Абдулхусайн. Нишопурнинг мутааххир машойихиндур... ва ҳадисеа сиқа(ишончли - Б. Р.) эрмиш". "Абулаб-бос Сайёрий бешинчи табақадиндур. Оти Қосим Ибн Қосим Маҳдийдур. Марв аҳлидиндур. Шайх Абу Бакр Воситийнинг шогирдидур. Олим ва фаҳиҳ ва муҳаддис эрмиш". "Абу Бакр Заққоқи Сағир Шайх ул-ислом дебдурки, ул бағдодлиғдур, Заққоқи Кабиринг шогирдидур. Ул ҳадисеа машҳур эрди, сўнгра бу тоифа тариқига кирди". Шайх Абу Бакр Каттоний зикрида ҳам "Яманда Сафо масжидида халқ Абдураззоқ қошида ҳадис ўқурлар эрди" каби маълумотлар талайгина. Ҳаким Термизийни алоҳида фикрада ёдга олган.

Кузатишлардан маълум бўладики, Алишер Навоий Ҳадис илми ва машҳур муҳаддислар тартиб берган ҳадис тўпламларидан яхши хабардор бўлган, ўзининг бадийи мақсади ифодаси ва фикрлари тасдиғи учун ўз асарларида ҳадислардан қўп фойдаланган. Бу борада у ҳадисларни гоҳ тўлиқ берса, гоҳ бир қисмини келтирарди, гоҳ эса мазмунига ишора қилиб кетарди. Бинобарин, шоирнинг ўз ижодида ҳадисларга мурожаат этиш усуллари ҳам алоҳида тadbикот мавзуи бўла олади.

Буробия РАЖАБОВА,  
филология фанлари номзоди

## "ЖАҲОН АДАБИЁТИ" 2017 йил, феврал сона

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Нега кўргузди соғув оху..." деб бошланган газали насрий баёни, умумий мазмун-маъноси ҳамда инглизча ва русча таржималари билан улғу шоир ижодиёти сабоқлари давом эттирилган. Ўқувчилар Исай Калашниковнинг тарихий мавзудаги "Қаттол аср" романининг биринчи китобини журналнинг ўтган йилги сонларида ўқиган. Ушбу сондан ана шу асарнинг иккинчи китоби - "Кўвгучилар" романи таржимаси босилган. Мутаржим Муслимбек Йўлдошев.

Тасаввуфга оид ноёб туркий қўлёзма - "Танзил ус-солиҳин" (Ошиқ кўнглиларга тасалли) рисолати филология фанлари номзоди Абдуллатиф Турдалиев томонидан нашрга тайёрланган. Мумтоз адабиётимизга оид бу қимматли манба ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши тайин.

"Донаси бир пенни" номи остида машҳур ирланд адиби Джеймс Жойснинг шеърлари берилган. Эътиборли жиҳати шундаки, биринчидан, бу шеърлар аслиятдан, иккинчидан, учта таржимон томонидан ўзбекчалаштирилган. Шеърларнинг инглизча матни, Хумоюн, ундан сўнг Абдуқамол Абдуқалилов ва Ойдинисоннинг ҳамкорликда амалга оширган таржималари Ж.Жойс асарлари таржимасини аслиятга солиштириб ўқиш, икки таржима вариантини қиёслаб ўрганиш имкониятини беради.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодида бағишланган Қ.Эргашевнинг "Алишер Навоий ва Фарб адилар" мустақар мавзулар" сарлавҳали ҳамда Л.Жўраевнинг улғу шоир ижодида най таърифи қандай талқин топгани ҳақидаги тadbикотлари қизиқарли мавзулар қамраб олгани билан эътиборни тортади. Профессор М.Холбековнинг "Бобур ва "Бобурнома" француз шарҳунослиги саҳифаларида" номли мақола Француздан Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши тарихига бағишланган. Француз адиби Андрей Морунинг "Марсель Пруст" номли эссеида XX аср модернизм адабиёти намоянасида, "Йўқотилган вақтни излаб" номли эпопея муаллифи ҳаёти, ижоди, бадийи-эстетик қарашлари ёритилган. Бадиани Олим Отахонов таржима қилган.

Шунингдек, ушбу сонда босилган Булапешт университети профессори Бенедик Перининг суҳбатидеа венгриялик олим Навоий ижоди ҳақида ўз қарашларини баён этаркан, "Навоийни Фарба янада кўпроқ тарғиб қилиш жиҳиди, шу билан бирга муҳим мақолалардан бири" эканлигини таъкидлайди.

## Журналларни варақлаганда

**Шарқ юлдузи**  
2017 йил, 2-сон  
Ўзбек мумтоз адабиёти дурдоналари сирисидан Ҳусайннинг газалларида намуналари журналнинг илк саҳифаларида ўқийсиз.  
Замонавий ўзбек шеърлигини таниқини шоирлар Усмон Азим, Қутлибека Раҳимбоева ва Фаҳриёрнинг янги туркумлари босилган.  
Наср ихлосмандлари эътиборига Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Умид тули" номли ҳикояси, Турсунмурод Эртатовнинг икки ҳикояси ва Кенгесбой Каримовнинг "Оғабий" романи давомий тақдим этилган.

Журналнинг ушбу сонидеа бир неча эътиборга молик адабиётшуносликка доир мақола ва тadbикотлар эълон қилинган. Жумладан, Зухра Бегимнинг "Устоз" мақоласида таниқли адиб Мухаммад Аминнинг тарихий романлари, шеърлери ҳа

Соҳибқирон воҳиди Темурий ҳукмдорлар шажарасини ёрқин юлдузлар силсиласига қиёбласак, Султон Мирзо Улуғбек сиймоси унда энг ёрқин юлдуз мисол нур сочади. Қанча салтанатлари асрлар тарих зулматига чўкмади дейсиз... Аммо илм-фан самосида порлаган Улуғбек даҳоси мудом ёдга таратиб, башариятни ўзига маҳлиё қилишда давом этмоқда.

Бугун Темурийлар тарихига янгида назар солиб, илгари жиддий эътибор берилмаган кўплаб манбалар, айниқса, бу даврга оид бадиий ижод намуналарини ўрганишнинг, мушоҳадага чорловчи қизиқарли маълумот ва фактлар юзига чиқмоқда. Жумладан, бутун ҳаётини, бор салоҳиятини иқтидорини эл-улус фаровонлиги, илм-фан, маданият тарихига бахшида этган аллома ҳукмдор — Мирзо Улуғбек образи ўз замонидаёқ улғувор тилсиз даражага кўтарилгани диққатга сазовор.

Айни пайтда Вашингтондаги Фрир санъат галереяси ҳазинасида сақланган "Султон Улуғбек лочин овида" миниатюраси мисолида бунинг ёрқин бадиий ифодасини кўриш мумкин. Тасвирий санъат асарини буюк Темурий ҳукмдор ҳақида қимматли маълумот берувчи ўзига хос тарихий манба сифатида ҳам қадрлидир. Унда Мирзо Улуғбек ҳаётлиги чоғида яратилган ва бугунги кунга қадар сақланиб қолган яққо ягона ҳаётий портрети мавжуд. Шу сабабли мазкур ижод намунаси кейинчалик яратилиб, Улуғбек сиймоси кўп жихатдан пардозланган тасвирий санъат асарларидан фарқланади. Яъни ифода услуби, тарихий образларнинг талқини жихатидан ҳаққониятга энг яқин ҳисобланади.


Миниатюра тахминан XV асрнинг 30-40 йилларида, Улуғбек Самарқандда мустахкам ҳукмронлик қилган даврда яратилган. Султоннинг ўғиллари Абдуллатиф ҳамда Абдулазиз Мирзолар асарда ўспирин йигит қиёфасида тасвирлангани ҳам бунинг тасдиқлайди. Гарчи миниатюра муаллифи ҳақида маълумот сақланиб қолмаган бўлса-да, унда акс этган воқеа реал асосга эга эканига шубҳа йўқ. Тор маънода ёндашилганда, унга Султон Улуғбек учун уюштирилган ов доирасидаги маросимдан бир лавҳа сифатида ҳам баҳо бериш мумкин. Миниатюрада Самарқанд ҳукмдори сарой аёнлари, суюкли рафиқалари ва шаҳзодалар билан биргаликда табиат қўйнида дам олаётгани тасвирланади. Аънавага кўра султон ёлғиз ҳолатда, яъни давра тўридаги гулдор чодир билан ётилган кўча айвонда савлат тўкиб ўтирибди. Хитойи услубда тикланган айвоннинг юқори қисмига битилган "Подшоҳлиги барқарор бўлгур буюк султон, Улуғбек Кўрагон" сўзлари ҳукмдор образига берилган юксак баҳони янада кучайтиришга хизмат қилади.

Салтанат сарварининг юз қиёфасига синчиқлаб назар соларканмиз, унда бир қатор характерли жиҳатлар мавжудлиги яққол кўринади. Чўзиқ юзли, кўзлари бироз қийиқ, чеҳрасида ҳукмдорларга хос хотиржамлик билан бирга теран тафаккур ёлқини сезилиб турибди. Мошкичири соқоли ва мўйлаблари маҳаллий урфда кузалган, боши-

даги сарбар шоҳона қалпоқ ҳам шарқона аъналарга ишора қилади. Бу этник хусусиятлар яна бир муҳим илмий фаразини ҳам тасдиқлайди. Улуғбек қиёфасини тиклашга уринган антраполог олим М.Герасимов гава ва юз тусилиши жихатидан у отаси Шохрухдан кўра бозоси Амир Темурга кўпроқ ўхшашлигини қайд этади. Кўплаб тарихий манбаларда қувватланувчи илмий бу мулоҳаза миниатюра чиндан ҳам Самарқанд саройида, Темурийзода ҳукмдорнинг реал қиёфаси асосида яратилганидан далолат беради.

Тарих ва тасвир

СУЛТОН УЛУҒБЕКНИНГ СЎНМАС ЮЛДУЗИ



Хукмдорнинг чап томонида яшил ўтлоқ устига ёзилган гиламчаларда тўрт аёли ҳамда улар ортида ҳарамдаги бошқа хотин-қизлар жой олишган. Анвойи либосларда, туркона бош кийимлардаги султон рафиқалари қиёфасида Темурий маликаларга хос виқор ва назокат мўжассам. Мусаввир қаҳрамонлар сиймосида байрам издиҳомида ҳукмрон рухий кайфияти ҳам очиб беришга интилган. Миниатюранинг пастки қисмида тасвирланган ёш шаҳзодалар учун ўтаётган маросим қизиқарли томошага айланган бўлса, Улуғбекнинг орқа томонида султонга илтифот баҳо келтириб турган саркарда ва мулозимлар сергак қиёфда. Катта шикорга тараддуҳ кўрилатганига миниатюранинг юқори қисмидан ўрин олган ов анжомлари, ўқ тўла садок, қамон ва қўлида овчи кушларни тутган икки лочинбоз тасвири алоҳида урғу

беради. Юқоридаги манзарага асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, асар аслида диптих, яъни иккига бўлинган шаклда яратилган ва унинг чап қисми ҳам мавжуд бўлган. Чунки маросим иштирокчиларининг нигоҳи чап томондаги аниқ бир нуқтага қаратилган. Унда сарой мажлисларида урғу бўлган бирор ўйин ёки томоша ижро этилмоқда. Умуман, Султон Улуғбек бу миниатюрада ўрта аср Шарқ ҳукмдорларига хос Баҳром монанд муҳитда тасвирланган. Барча шоҳлар сингари у ҳам ов қилишни, дабдабали байрам маросимлар ўтказишни хуш кўради. Бу жиҳат — Улуғбек илм-фанга муқаддас қилган сабабли, ҳукумат ишлари, сарой мажлисларидан четлашиб, салтанатда юз бераётган воқеалар тизгинини қўлдан чиқаргани ҳақидаги қарашлар тарихий ҳақиқатга унча тўғри келмаслигини кўрсатади. Устоз адиб Мақсуд Шайх-



лар жилоси нафис шакллари эврилиб, бетакрор манзарани ҳосил қилади. Тўғри, диптихнинг биринчи қисми билан танишиш имкониятидан маҳрумлигимиз мусаввир истеъдодидаги том маънода баҳо беришни қийинлаштиради. Шунга қарамай, миниатюрага назар солганимиз ҳаммо муаллиф қилқаламининг ўта нозиклигини, теран нигоҳи, кенг тафаккурини ҳис этасиз. Ҳар бир қаҳрамон қиёфаси индивидуал жиҳатлар билан бойитилиб, ўзига хос либослар, турли анжом ва буюмлар муқамал кўринишида деталлаштирилган. Миниатюранинг ўз даврининг етук мусаввири яратганига шубҳа йўқ. Эҳтимол, уни Самарқанд саройида узоқ вақт ижод қилиб сўнг Бойсунқур Мирзо нигорхонасига йўл олган машҳур мусаввир Абдул Хайянинг истеъдодли шогирдларидан бири чизгандир... Ким бўлганда ҳам у ўз даврининг энг етук, ижодий ва услубий жиҳатдан баркамолликка етган рассомларидан бўлган.

Демак, Фрир галереясида сақланган миниатюра бизни Улуғбек сиймоси, уни қуршаб турган сарой муҳити билан таништириш асосида XV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё миниатюра санъатида кечган муҳим изланишлар тўғрисида ҳам маълумот беради. Султон Мирзо Улуғбек давридаёқ Самарқанд саройида қучли миниатюра мактаби юзга келган. Бу ерда ижод қилган мусаввирлар маҳорат бобида жиҳатли ҳамкасбларидан қолшмас эди. Афсуски, улар яратган кўп асарлар қўлдан бой берилган, мавжудлари эса ҳали чуқур ўрганилмаган. Ҳақиқатда интернет саҳифаларида кўтилмаганда пайдо бўлиб, мутахассисларни мушоҳадага чорловчи бундай асарларнинг салмоғи бадиий савиясини аниқлаш вақти аллақачон келган. Хулоса қилиб айтганда, буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймоси муҳрланган тарихий миниатюраларни илмий жиҳатдан ўрганиш эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда. Инчунин, бу дурдона асарлар нафақат миллий санъатимиз, балки шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз ҳақида сўзловчи бебаҳо манба ҳамдир.

Азизхон ИМОНОВ

“НАСРУЛЛОЙИ”

Ёши улғу отахон ва онахонларнинг эслашларича, улғу аждодларимиз руҳи билан қувватланган бу ҳаётбахш куй ҳамюртларимизни ҳарбий фронт ва бошқа синовли жабҳаларга кузатиш пайтларида ижро этилиши аънава бўлган. Арабча “наср” сўзининг маъноларидан бири зафар, ғалаба тарзида талқин қилинишини назарда тутсақ, “Насруллоий” куйи орқали кишиларга зафар тилаб уларга кўтаринки руҳ ва кайфият бағишлаш кўзда тутилган. Зеро, “Насруллоий”нинг чолғу йўллари дилтортар улғувор оҳанглари билан халқимизнинг қадри куйлари қаторидан ўрин олган. Бу борада, айниқса, Фарғона-Тошкент мақомларига мансуб “Насрулло I-V” туркуми алоҳида эътиборга сазовор.

Куйни танбур, дутор ва гижжак чолғуларидан ижро этиш аънава тусини олган. Бу борада Султонхон Ҳақимов, Ризқи Ражабий, Турғун Алиматовнинг ҳар бирига хос танбур ижролари, Абдусоат Ваҳобов, Исҳоқ Ражабов, Абдурахим Ҳамидовнинг ўзгача дутор чертмилари, Ғулмуҳаммад Ҳожиқулов, Қаҳрамон Қомиллов, Улмас Расулов, Абдуҳашим Исмоиловнинг бетакрор гижжак ноталари асосида Насрулло наволари ўзгача тароват касб этди. Шу билан бирга халқ чолғулари ансамбли ижроси ҳам алоҳида эътиборга молик. Айниқса, “Насрулло I”нинг

поғонама-поғона мақсадли юксалиб бориши тингловчида дастлабки туғенли ҳузурни ҳада этади. Шундан сўнг мақомдон хофизнинг овоз таровати ва ишқ дардининг ифодаси бўлган ноли хониши ўлароқ бу ҳолат янги сифат босқичига юксалади. Бунда Ҳазрат Навоийнинг “этиш” рафидли ғазали “Насруллоий”га кўчаркан, “Ҳажажи мусаммани солим” аруз баҳори куйининг 6/4 ўлчовли Наср дойра усулига пайваста бўлгани ҳолда, унинг тўққиз байтдан иборат мисралари ашуланинг тўққиз хатига шеърбий асос бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, ашуланинг биринчи ва иккинчи хатлари (байтлари) чолғу муқаддимасида келган куй тузилмаси негизда “ўқилади”:

Парвозеки мушкун зулфи  
жоним муқатмад этмиш,  
Малойик қушлари ул ҳалқа мўлар  
бирла банд этмиш.  
Самандингким, ёлғидек тез эрур,  
юз шукрим, гардун  
Анга бизни самандарваш,  
мушта гарди саманд этмиш.

Учинчи ва тўртинчи хатлар ўрта пардаларда (миёнхат), бешинчи хат эса бир октава юқорида жойлашган (дунаср) пардалар асосида “ўқилиб” “о”, “хай жонимо” сўзларида келган ноли хонишларга улашиб кетади. Навбатдаги уч хат (VI-VIII)га куй асоси бўлиб келган Турк авжининг уч босқичли тўлқинлари давомида энг юқори “чўққи” товушларга эришилади. Шу асосда газалнинг ҳароратли сўз оҳанглари Турк авжи оҳанглирига уйғун ҳолда тингловчи қалбига ғалаён солиб, тўққизинчи хат билан бунга хотима аслади:

Навоий, кеч висол уммидидинким,  
Ҳақ сени беҳад  
Залиду зору, ёрипти азизу  
аржумат этмиш.

Бинобарин, Турк авжининг “Насруллоий” куйига “узукка кўз қўйгандек” боғлиниши — руҳий завоқнинг таърифа сўз ожиз нодир ҳолатларини юзга келтиришга хизмат қилади. Қолаверса, “Насруллоий”нинг қаромадида келган бош куй мавзун ҳам мақом шўъбаларида шу каби авж (Насруллоий намуни) вазифасида намоён бўлиб туради.

“Насруллоий” шўъбасининг шу кўринишида юзга келишида кейинги даврларда фаолият кўрсатган хофиз-бастакорларнинг хизматлари бор, албатта. Жумладан, академик Юнус Ражабийнинг бастакорлик даҳоси ила ҳазрат Навоийнинг “Ғазали мазкур куйга ҳар жиҳатдан наинки ўринли боғлангани, балки “Насруллоий” асарини шу ғазал билан бирга туғилгандек таассурот уйғотиши билан ҳам таҳсинга сазовор. Мақомдон устоз айнан шу ғазал билан “Насруллоий”ни ўзи ижро этган ҳолда нотага олган эди. Шунингдек, мазкур ашуланинг бетакрор талқинлари халқ хофизлари Очилхон Отахонов, Орифхон Хотамов (Фузулий ғазали), Маҳмуд Тожиевлар ижросида юзга келгани муҳлисларга яхши маълум.

Табиийки, “Насрулло”нинг ҳузурбахш куйи бастакорларни шу асосда ашула яратишга илҳомланган. Юнус Ражабий “Насрулло I” куйига, Фаттохон Мамадалиев эса шу туркумга мумтоз газалларни боғлаб, “Насруллоий I-IV” ашула йўллари юзга келтирилганлар. Тolibжон Бадинов, Иномжон Мамадалиев, Зухра Олимова, Улмас Оллоберганов каби турли авлод хонандалари бу асарларнинг илк ижрочиларидир. “Насрулло” чолғу куйи илк бор Абдусоат Ваҳобовнинг дутор ижросида мусика этнография Елена Романовна томонидан нотага олинди, 1948 йили “Ўзбек чолғу мусикаси” тўпламида чоп этилган. Беш қисмли тўлиқ туркум ҳолда эса Юнус Ражабий ёзиб олиб, 1955 йили нашр этилган “Ўзбек халқ мусикаси” ноталар тўпламининг 1-жилдида эълон қилган. Ушбу қимматли ёзувлар ҳамда юқорида қайд этилган беназир ижролар бис “Насруллоий” куйидан келгуви авлодлар ҳам баҳраманд бўладилар, деган умиддамиз.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ

Унутилмас оҳанглари

Юнус Ражабий раҳбарлигидаги “Мақомчилар ансамбли” талқинидаги ижро йўли турли давраларга, жумладан, “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” телекурсутига (“Шароб I” куйи қаторида) ўзгача фойда бағишлаб келди.

Ҳўш, куйнинг номи нима учун “Насруллоий” деб номланган? Насрулло — XVI асрда яшаган, мақом йўлларида чолғу ва ашула йўллари ижод этган атоқли бастакорнинг тахаллуси. Шарқ касбий мусикасида мавжуд аънавага кўра, унинг тахаллуси ўзи ижод этган асарларига нисбат бериб келинади. Хусусан, Бухоро Шашмақомида бизгача етиб келган “Мухаммаси Насрулло” мумтоз чолғу куйи, Бухоро ва Хоразм Шашмақомининг “Бузрук” туркумларидаги “Насруллоий” шўъбаси ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ўрин олган беш қисмли “Насрулло I-V” чолғу куйлар туркуми шулар жумласидандир. Мақомдон устоз Исҳоқ Ражабов тадқиқотларидан аён бўлишича, мазкур чолғу ва ашула йўллари аслида Роҳавий мақоми асосида ишланган. Бу мақом ўтмишда дастлаб “Етти мақом” (тахм. IX-XII а.), сўнгра шу тизим асосида шаклланган “Ун икки мақом” (XIII-XVII а.) таркибиде қўлланган. Бинобарин, бастакор Насрулло яшаган даврда ҳам бу мақом йўли мусиқий истеъмолда бўлган. XVIII асрга келиб “Ун икки мақом” асосида янги тизим — “Шашмақом” шаклида бошланган. Мазкур илмий-ижодий жараёнда ўша давр ижтимоий-мусиқий тафаккурида рўй берган сифат ўзгаришлари боис Роҳавий мақомининг парда асослари мустақил аҳамиятини йўқота бориб, пировардида, шу мақомда яратилган энг ёрқин бастакорлик асарлари Бузрук мақоми туркумига қўшиб юборилган. Бунда Бузрук ва Роҳавий мақомларининг парда (лад) нуқтаи назаридан айрим умумий жиҳатлари билан бирга, “Насрулло” мусиқий асарларининг юксак бадиий қиймати халқ килувчи ўрин тутгани, шубҳасиз.

Шу боис Шашмақомнинг “Бузрук” туркумидаги “Мухаммаси Насрулло” мумтоз куйи ва “Насруллоий” шўъбаси (ашула йўли) ўзига хос парда-куй асоси ва авж тузилмалари билан туркумдаги бошқа мусиқий намуналардан (қисмлардан) ажралиб туради. Хусусан, “Насруллоий” шўъбаси бир қадар ҳазин, лекин бутинан ривожланиш қувватига эга чолғу куйи (муқаддима) билан бошланади. Куйи пардалардан садолана бошлаган ушбу куйда ёнма-ён жойлашган товушларнинг тежамкорлик билан тўлқинсимон тарзда ўзаро мантиқий улашиб келиши ва

Севинч ОДИЛОВА

“АНАҚА... МАНАҚА...” ҚАНАҚА?!

Ҳар қандай филм, аввало, томошабинга эстетик завқ бериб, унинг маънавий-тарбиявий камолотига хизмат қилиши лозимлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу маънода ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Маҳаллада дув-дув гап”, “Суюнчи”, “Ўткан кунлар”, “Улуғбек юлдузи”, “Меҳробдан чаён” сингари филмлар аллақачон маънавий мулкимизга айлиб улгурган. Бу кино асарлар нафақат тарихимизни, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттиргани билан, балки она тилимизнинг бор жозибаси ва ширадорлиги сақлаб қолингани билан ҳам қадрли.

Албатта, мустақиллик йилларида халқимиз кўнглидан жой олган, халқроқ фестивалларнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган бадиий бакуват, гоъий етук ўзбек филмлари яратилганини эътироф этиш жоиз. Шу билан бирга кино санъатимизда кўнглингиз бир четини хира қилиб турган, олдини олиш мумкин бўлган салбий ҳолатлардан ҳам қўз юмиб бўлмайд. Ана шундай камчиликлардан бири филмларда қаҳрамонлар нутқидаги нуқсонлар масаласидир. Тўғри, бу ҳақда шу вақтгача ҳам матбуотда эътирозли мақолалар берилган. Афсуски, ҳамон актёрлар баъзи филмларда кўча ва шева сўзларидан воз кенолганлари йўқ. Биз эса бугун ўзимизда ва чет эл студияларида суратга олинган

сериаллар таржималаридаги, яъни дубляждаги нуқсонларга тўхталмоқчи эдик. Аввало, бир хил актёр ва актрисаларнинг барча сериалларда бир-бирига ўхшаш овоз билан гапиришдан чарчадик. Тўғри, улар эл севган, танкили санъаткорлар. Лекин ҳадеб бир хил оҳанг ва овоз турланишини эшитавериш томошабиннинг меъдасига тегиши ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак-да. Қолаверса, рол ўйнаётган актёр билан овоз бераётган актёрнинг лаблари очилиб-ёпилишида сўз оҳанги ўзаро тўғри келмай қолаётгани филмни кўриш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Яна бир гап. Улуғбек Қодиров маҳоратли актёрларимиздан бири. Лекин у ўзи рол ўйнаган филмдаги ёки сериалдаги қаҳрамонга овоз бераётганида овозидаги йўғонлик ва бўғиқлик, баъзи ҳолларда эса шевага берилиб кетиш ҳоллари ижронинг умумий савиясига путур етказяпти. Хуллас, ҳар бир ўзбек филми ва таржима филмларни овозлаштириш жараёнида жиддий муносабатда бўлиш, янги ва маҳоратли актёрларни бу ишга жалб этиш кино маданиятининг юксалишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фурқат РАВШАНОВ

Луқма

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик кино соҳасида ҳам ривожланаётир. Яқинда юртимизда Хитой кинокомпаниялари раҳбарларидан иборат делегация меҳмон бўлди. Ташриф доирасида пойтахтимиздаги Киночилар уйида “China Film Promotion International” компанияси катта қотиби Ван Хуейфан, Гуанчжоунинг “Feiyda” овоз ёзиш компанияси раиси ўринбосари Хе Фейфен, Анхуейнинг “Insininmu” кино ва телевидение компанияси бош директори Су Ян билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда юртимизда фаолият юритаётган хусусий кинотеатрлар раҳбарлари, ижодкорлар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги директори Отабек Мусаев ва Хитой делегацияси раҳбари Гу Гуоцин сўнги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кинематография соҳасида ҳам ривожланиб бораётганини қайд этишди. 2015 йилнинг сентябр ойда Тошкентда ўтказилган “Хитой кино кунлари”, 2016 йилнинг ёз ойларида Пекин, Шанхай ва Сианда ташкил этилган “Ўзбек киноси

кунлари” фестивали бу алоқалар тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради. Тадбир давомида кинематография соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш, ҳамкорликда қисқа метражли, анимацион, ҳужжатли ва бадиий филмларни суратга олиш, турли фестивал ва маданий тадбирлар ўтказиш, мамлакатларимизда хусусий кинотеатрлар ва кинотеатрлар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тақлифлар илгари сурилди. Учрашувдан сўнг делегация аъзолари пойтахтимиздаги бир қатор кинотеатрларга ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишишда ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича тегишли тақлиф ва режалар тузиб олинди.

Э.ФАҚИРОВ

Пойтахтимизда “Туркман киноси кунлари” бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Киночилар уйида туркманистонлик ижодкорлар иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда анжуман доирасида намоийши режалаштирилган филмлар,

Ҳисобот

КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Маданият вазирлиги Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси охириги уч ой давомида ўтказган йигирмадан ортиқ маданий-маърифий тадбир “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” мазмун-моҳияти билан ҳамроҳ бўлди. Айни кунларда юртимизнинг барча вилоят марказларида, туман ва қишлоқ марказларида ўтаётган “Баҳор нафаси” халқроқ мусика фестивали доирасида “Ўзбекистон”, “Лазги”, “Наврўз” ашула ва рақс ансамбллари ранг-баранг концерт дастурларини намоийши этиштипти. Бирлашма бош директори Рустам Хўжаниёзов жамоатчилик асосида ташкил этилган Бадиий кенгаш йиғилиши қатнашчиларига бу ҳақда батафсил ахборот берди.

Йиғилишда сўзга чиққан танкили санъаткорлар Акбарали Асқаров, Шерият Ёрматов, Қодир Мўминов, Сойибжон Ниязов, Отабек Собиров, “Маданият ва маърифат” телеканали бош муҳаррири Сафарбой Алимбоев, шоир Мухитдин Абдусаматов, бирлашма бадиий раҳбари Фахриддин Икромхўжаев маҳорат ва савия масаласига жиддий эътибор қаратиш, миллий мусиқамиз билан ёшларни яқиндан ошно қилиш учун концерт саройларида “Назм ва наво” кечаларини тез-тез ташкил этиш, мақом санъати ва миллий чолғуларимиз тарбиятини кучайтириш, “устоз-шогирд” аънасини янада мустахкам йўлга қўйиш, видеоқлиплар мазмун-мундарижасини ошириш, устоз хофиз Қомилхон Отаниёзовнинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш борасида қўли-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбирда шунингдек, бирлашма тасарруфида фаолият олиб бораётган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти санъаткорлари изланишларига юқори баҳо берилиб, ижодий йутқилари таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган масалалар юзасида билдирилган тақлиф-мулоҳазалар ўрганилиб, амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим ишлар режасига киритилди.

Аҳмаджон РАҲИМОВ

